

R 496

310
№ 5

AL



PHIL-SPORT-SINGAPORE


Guliston

2014/1



2014- YIL – “SOG‘LOM BOLA YILI”





Оилалар даромадлари тарқибини узармоқда – тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз эришган катта ютуқлардан бирidir.

Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий кулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислох этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади. Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-хунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва кулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани ҳақида ортиқча сўз юритишнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари эътиборини бир масалага алоҳида қаратиб айтмоқчиман: қишлоқларимиз аҳолиси нафақат кулай уй-жойларда, айнаи вақтда барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларига – тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва маданият муассасаларига эга бўлган обод посёлкаларда яшаши лозим.

2014 йилда таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-хунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2014 йилда 115 та болалар спорт объектини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни асосан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш учун 107 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир.

Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, ҳар биримиз ўз жойимизда астойдил меҳнат қилсак, Ватанимиз равнақи ва тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшсак, мен ишонаман – олдимизда турган вазифалар қандай улкан ва мураккаб бўлмасин, биз ўз кўзлаган эзгу марраларимизга албатта эришамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасидаги мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда қилган маърузасидан

Jurnal 1925- yildan chiqa boshlagan

O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi

Tahririyat:

Bosh muharrir
vazifasini bajaruvchi:
Jalolbek YO'LDOSHBKOV
Bosh muharrir o'rinbosari:
Manzura SHAMS
mas'ul kotib:
Komil JONTOYEV
fotomuxbir:
Mashrab NURINBOYEV
sahifalash va dizayn:
Azamat Fayzullayev
Nigina QODIROVA
navbatchi muharrir:
Dilfuza KENJAYEVA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad Ali
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi

Fotih JALOLOV
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirining birinchi o'rinbosari

Mahmud ISMOILOV
O'zbek milliy akademik drama teatri direktori

Suvon Najbiddinov
"Matbuot tarqatuvchi"
AK Bosh direktori

Abdulahob NURMATOV
Andijon viloyati hokimligi mas'ul xodimi

Murod RAJABOV
Muqimiy nomidagi O'zbek Davlat musiqiy teatri direktori

Baxtiyor Sayfullayev
O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV
Pedagogika fanlari doktori, professor

Azamat HAYDAROV
"O'zbeknavo" estrada birlashmasi
Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz
guliston_j@exat.uz

Ushbu sonda:

Suyima G'ANIYEVA
*Alisher Navoiy –
adabiyotshunos*

Vahob RAHMONOV
*Bobur – sohibdevon, shoir
shoir*

Zulfiya A'ZAMOVA
*Rassomlar ijodida
vatanparvarlik talqini*

Omonulla MADAYEV
Shoir armoni

Otabek SAFAROV
*Qahramonidan baland
ijodkor*

Matluba MAHKAMOVA
Tinglayotganimiz qo'shiqmi?

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008- yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. "Guliston" jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x84^{1/8}. Buyurtma №24. Adadi: 1200 nusxa. Hajmi 6 b.t. Bosmaxonaga 17.02.2014- yilda topshirildi. Bosishga 17.02.2014- yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent – 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Muharrir» nashriyoti matbaa bo'limida chop etiladi.
Bo'lim manzili: 100060, Toshkent shahri, Elbek ko'chasi, 8-uy.



Alisher Navoiy — adabiyotshunos

“Мажолис ун-нафоис” Навоий адабиёт илмининг нозик тадқиқотчиси эканлигини рўйи рост кўрсатиб берадиган асардир. У 1491 йилда ёзилган. 1498 йилда унинг моҳиятан тўлдирилган иккинчи кўриниши ҳам муаллиф томонидан бажарилган. Тазкира 459 нафар шоир ҳақида маълумот беради. Асарда муаллиф ижодкорлар қобилияти, адабий жараёни пухта билгани яққол кўзга ташланиб туради. Адабиётнинг таъсирчанлиги, юксак бадийлиги учун курашгани асарда ўз аксини топган. Бу эса “Мажолис ун-нафоис” асарининг бошқа тазкиралардан фарқини белгилаб берди. Бу давр адабий жараёнида кўп ижодкорлар қатнашуви унда чуқур мамнуният ҳиссини уйғотди. Буни шоир бўлмаган санъаткорларни тазкирага киритиши, улар ижодидан келтирилган намуналарга берган баҳосида яққол сезамиз. Айниқса, ёш истеъодларнинг адабиётга кириб келиши билан боғлиқ қайдлар, улар тўғрисида самимийлик билан сўз юритилиши диққатга сазовордир.

“Мажолис ун-нафоис” асарига бўлган қизиқиш, ундаги маълумотларга таважжух улкан бўлганига шундай маънодор далиллар борки, у ҳам бўлса, XV асрнинг ўзида уч марта форс тилига таржима қилинган. Бундан ташқари яна икки таржимаси борлиги маълум.

Биринчи ва иккинчи таржималар 1945 йилда Техронда Али Асғар Ҳикмат томонидан бир китоб таркибида нашрга тайёрланди. Учинчи таржиманинг тугалланмаган ягона нусхаси Британия музейидан келтирилди.

“Мажолис ун-нафоис”да адиб учун ғоят муҳим саналган, ўша даврнинг маданий ҳаётида ҳам долзарб бўлиб турган шакл ва мазмун масалалари юзасидан муҳим фикрлар илгари сурилади. Навоий бирор шоирга таъриф берар экан, унинг шеърлари мазмуни баробарида бадий жиҳати ҳам эътибор қаратади. Баъзи ҳолларда уни тузатиб ҳам кўради. Баъзан эса бадий савияси қуйи шеър ижодкорларини танқид қилади.

Шеърятда бадийлик учун шунчалик курашган Навоий ғоявийликка нечоғлиқ аҳамият бергани “лафзлари бемаза” шеър ва шоирлар танқидида кўринади:

*Не ҳақойиқ ва маориф нушидин ҳаловат
Ва назмларда не шавқ ишқ ўтидин ҳарорат.*

Навоий маклуби муставий (ўнгдан чапга ва аксинча ўқилганда ўзгармайдиган сўзлар) санъатини қўллаб ёзилган мавлоно Шихоб шеърларини мутлақо маъно-мазмуни йўқлиги, Мир Ҳусайний Бовардийнинг мантқиқсиз шеърлари хусусида ҳам ўзининг танқидий фикрларини билдирган.

Навоийнинг адабиёт, шеърят тадқиқотчиси эканлиги тазкиранинг 8-мажлисида Ҳусайн Бойқаро девони таҳлилида кўринади:

“Фурқатдин кўнгул қатра-қатра қон эрканин бурунги мисрада айтиб, сўнгги мисрада ўткон муқаррар лафз муқобаласида “Оллоҳ, Оллоҳ” лафзи ҳам муқаррар ва асру муассир садо топибдурким”:

*Фурқатингдин хаста кўнгулм қатра-қатра қон эрур,
Оллоҳ, Оллоҳ бу не ҳажри беҳаду поён эрур.*

Ҳусайн Бойқаронинг ноёб ташбех қўллаши:

“Ўтлуғ оҳининг шарарларин маҳбуб юзигақим сочилув зар ҳуққа ҳарирнинг зар ришталарига ташбех қилур”.

*“Чун юзига ўтлуғ оҳимнинг қарори сочилув,
Гўйё зар ҳуққа дурким юзига ёпилув”.*

Мақол келтириб шеър битиш анъанаси қадимдан маълум. “Бу таврда парвардада ва пироста, мураттаб ва пийроста жуда кам воқеъ бўладиган шеърлар битган”, деб ёзади ва шунга мисол келтиради:

*“Мен ҳалок ўлдум гамингдин сен қуёшсен, эй санам,
Айб эмас гар мендин ўлса камлигу сендин карам.*

Масал тавриди эмас эрса-да, аммо ғаробат жонибидин ғоят нозик ва покиза айтилган:

*“Ваҳки ишқим шуъласи ҳар дам чекар андоқ алам,
Ким, малойик кўзи дудидин бўлув ҳар лаҳза нам”.*

Навоий Ҳусайн Бойқаро назмида бир радифда қофияни ўзгартириб ёзилган шеърларга эътиборни тортади, бундай шеърлар ғоят зебо, ниҳоят раъно воқеа бўлубдур”, дейди. Масалан:

*Сени кўргач дер эдим чиққай фигон жсондин бурун,
Чиқмасун деб рашқдин жсон чиқди афгондин бурун.
ёки*

*Васл аро ўлтур мени ҳижрон жафо сиздин бурун,
Нетти, гар қилсанг халос анинг балосидин бурун.*

Навоийнинг адабиётимиз тақдири ҳақидаги гўзал фикрлари “Муҳокамат ул-луғатайн”да ҳам ўз аксини топган. Айниқса, туркий шеърят ва унинг ижодкорлари ҳақида Навоийнинг “Хамсат ул-муҳайирин”да Жомий икки “Ҳолат”да Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадларнинг ижодий портретларини яратиш маҳорати алоҳида мавзу бўлиши мумкин. Навоий уларнинг ҳар учаласини давр, муҳит ва адабий жараён билан боғлаб фикр юритади.

Жомий ҳузурида мутолаа қилган асарлари ва Навоий таклифи билан Жомий яратган асарлари, иккаларининг орасидаги ёзишмалар ва Жомийнинг буюк сиймо эканлиги, улкан аллома ва “маломатия” тариқатининг ҳайратланарли даражадаги орифи эканлиги шунга илова тарзда асар сўнигидаги марсияда акс этган.

Икки буюк шахс: Паҳлавон Муҳаммад ва Саййид Ҳасан Ардашерларнинг қомусий билим, санъат эгалари ўлароқ давр маданиятидаги мавқеи, Навоий ҳаётида эса бу икки сиймонинг тутган ўринлари кўрсатиб берилади.


Ноёб тимсолларга, нозик адоларга таважжуҳи бор Навоий шеърӣ санъатлар, услубий жилолар юзасидан ўз маслаҳатларини ёш истеъдодлардан дариг тутмаган. “Мажолис ун-нафоис” асарининг “Хилват” деб аталмиш илова йўсинида келтирилган бобида мавзуга доир бир масала ҳам эътиборга лойиқ. Ўша даврда Ҳусайн Бойқаро бошчилигида “Олий мажлислар” ўтказилиб турилган. Адабиёт, шеърят масалалари, янги асарлар муҳокама қилиниб турганда, Хусрав Дехлавийнинг ҳинд тилида битган ашборидаги бир ажиб маъно – ёғин риштасининг мадади билан тойиниб кетган маҳбубининг ғоят нозик бўлганидан, ўзини ўнглаб олганини Лутфий Навоийга айтади. Ҳусайн Бойқаро эътироз билдириб, “Риштаким, майли қуйи бўлғай, мадад бўла олмайди”, – дейди ва қуйидаги байтни келтиради:

*Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам айлар мадад,
Анкабуте ришта оқсон бўлса ҳар деворга”.*

Шу байтни Ҳусайн Бойқаро девонидан ҳам, гулчинлардан ҳам ахтариб топа олмадик. Бу байтнинг Навоий ғазалининг иккинчи байти эканлиги ҳақида тахминлар мавжуд. Кўринадики, 1465 йилдан аввал битилган Навоий ғазалининг матлаъ эмас, кейинги байтини Ҳусайн Бойқаро 1498 йили атрофида ёддан ўқиб берган.

Навоийнинг адабиёт, унинг муҳим масалалари: ижтимоийлик, халқчиллик нуқтаи назаридан вазифаси, дунёвий ва диний-ғасаввуфий мавзуларнинг ишланишига қаратилган фикрлари ғоят қимматлидир. Шоирларнинг анъаналарга муносабати, ўз даврида бу анъаналарнинг ривожини (адабий жанрлар раванқи), мазмун ва шакл уйғунлигига урғу бериши кейинги даврлар учун ҳам дастуриламал бўлди. Ниҳоят, у ўз тадқиқотида ҳамisha ижодкор шахси, унинг ахлоқи ва интилишларини ижоди билан бир бутунликда текширгандир. Навоийнинг адабиётшунослигимизга қўшган ҳиссаси ғоят кўп қиррали ва ҳудудсиз. Унинг адабий ва илмий мероси ҳали узок келажақда ҳам тадқиқ қилинажак.

Суййима ҒАНИЕВА



Bobur – sohibdevon, sohir shoir

Бобур шухратда даҳо Алишер Навоийнинг ёнида турадиган мумтоз сўз санъаткори, шоир ва адибдир. Бадиий маҳорат бобида бирор ўзбек шоҳ ва шоири Бобур билан беллаша олмайди. Шеърят учун хос бўлган бир неча заруратлар: нуктапардозлик, жозибали бадиий санъатлардан меъёрида усталик билан фойдаланиш сеҳргарлиги ва эхтирос жўшиб турган рангин туйғулар талқини бобуроно самимий шеърят фазилатларидир. Бунинг устига унинг мумтоз шеърятга дадил киритган таржимаи ҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеърятини алоҳида нурлантириб туради. Ана шу кейинги хусусият шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига жон бағишлайди. У она шаҳри, Ватани соғинчларини шеърда ифодалар экан, Ҳиндистон шаҳаншоҳи беихтиёр ўзининг андижонлик ғариблигига китобхон эътиборини тортади:

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳхум айлагилким, андижонийдур.*

Шоирона юртсеварлик, ватанфидойилик Бобур шахсида шунчалик тантана қиладики, буюк император Бобур энди Андижондан йирокликни, гарчи бу мартаба Ҳиндистон тахти бўлса ҳам, қисматдаги юз қаролиғ деб ҳисоблайди.

Шеър таъсирчанлигини таъминлаган фикрий кашфиёт: толесизлик, жонга бало орттиришлик, хато қилишлик, юзи қаролик ўз юртидан бош олиб кетиб, ғарибликни бўйинга олишдадир.

Бобур ғазалларининг асосий мавзуси ошиқона эхтирослар, муштокликлар, ёлворишлар, изтироблару куйиб-ёнишлардир. Ошиқнинг маҳбубага илтижоси талқинида тазод усулида йигит юзининг кузги япроқдек сарғишу сулувнинг лола юзи қирмизилигига диққат тортилгани таъсирчан:

*Хазон япроги янглиг гул юзунг ҳажрида саргардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим!*

Бобур тазод санъатидан фойдаланишда маҳорат кўрсатиб, зид маъноли икки эмас, тўрт эмас, олти сўзни бир байтга қарама-қарши маъноларда тиза олади:

*Нетаймен ул рафиқ билаким, қилур баса,
Меҳру вафо – рақибга, жавру жафо – менга.*

Алишер Навоий бадиий тасвир воситаларидан ийҳом санъатининг “хосса маъно” ифодаловчи унсурлигини қайд этган эди. Бобур шеърятини байтда бир ёки икки сўзни икки маънода қўллаш санъати бўлган ийҳомга жуда бойдир. Чунончи, унинг куйидаги байтида “сўрорим бор” бирикмаси сўрамоқчиман ва сўрмоқчиман маъноларида қўлланган:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин ёш равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.*

Зеро, мумтоз адабиётнинг мумтозлиги ҳам сўз, бирикма ва мисраларнинг турфа маъно товланишлари ва кўпмаънолилиги, ўқувчини фикр юритишга рағбатлантириши билан изоҳланади.

Ҳарфий бадиий тасвир воситаларидан жозибалиси ва мураккаброғи истихроҷ санъатидир. Буни тасаввур этиш учун аввал оддий истихроҷга Бобур ижодидан мисол келтирайлик:

*Қаддинг алифу, қошинг эрур ё,
Десам не ажаб агар сени ой?*

Ошиқ севгилисининг қоматини алифга, қошини ё ҳарфига ўхшатиб, уни “ой” деб даъво қилмоқда. Зотан, алиф, ё ҳарфларидан ой сўзи ҳосил бўлади...

Энди ҳарф айтилмайдиган мураккаб истихроҷ қатнашган байт намунасини кўрайлик:

Оғзию икки зулфу қади бўлмаса манга,

Райҳону сарву гунча кўрардин малолдур.

Адабий анъанага кўра оғиз “мим” ҳарфига, зулф “лом” ҳарфига ва қад – “алиф” ҳарфига ўхшайди. Ана шуни назарда тутган ҳолда ҳарфларни тизсак, эски ёзувда матндаги “малол” сўзи ҳосил бўлади.

Кўпинча мутахассислар ҳам истихроҷнинг бу турини ҳадеганда илғайвермайдилар. Чунки ҳозирги байтда тахлилчи диққатини, аввало, оғизни гунча, зулфни райҳон, қаднинг сарвга ўхшашлиги ўзига тортади ва у беихтиёр байтдан лаф ва нашр санъатини кузатади.

Ғазалларининг асосий қисми ўта содда, мислсиз маҳорат билан битилган саҳли мумтанеъ маҳсулидир:

Эй юзи насрин, қомати шамшод,

Неча қилурсен жонима бедод?

Сен киби пуркор, шеваси бисёр,

Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.

Жаврда нодир, зулмда моҳир,

Ишвада қодир, ғамзада устод.

Ёр ғамидин, ҳажр аламинин,

Сабр камидин нолаю фарёд!

Бобури бедил, эй бути қотил,

Жаврунга мойил, зулмунга муътод.

Саҳли мумтанеъ – кўринишидан осон, жўнгина туюладиган, аслида эса бундай ёзиш жуда мураккаб бўлган антиқа баён услубидир. Бу услубни биз Бобур ва Машраб ижодидагина кузатамиз, ҳолос. Юқоридаги ғазал бичими киши эғнида ташанг турган нафис устки кийимни эслатади. Анъанавий тарабх бичим таранглиги туфайли ўзгача таъсир кучига эга бўлади. Қисқа мисраларнинг ички кофиялар билан таъминлангани уларнинг ҳар бирини яна икки бўлакка бўлади. Натижада, байт тингловчида тўртликдай таассурот қолдиради. Бу эса жарангдорликни янада кучайтиради:

Жаврда нодир,

Зулмда моҳир,

Ишвада қодир,

Ғамзада устод.

Шу биргина байтнинг поэтик фазилатларини бир дафтар қилиб шарҳласа арзийди. Иккигагина мисрада яратилган маъшуқа тимсоли феъл-атворининг кўпқирралигига эътибор берайлик. Улкан полотно – дostonлардаги тасвири жажжи байт – миниатюра ҳолатига келтириб мўъжиза яратган. Шу биргина байтда шоир ишвада кудратли, ғамза қилиш(кўз сузиш)да устоз даражасидаги, жабрнинг кўз кўриб-қулоқ эшитмаган хилларини ошиқ бошига сола оладиган, зулми моҳирлик билан ўтказга оладиган маҳбуба сиймосини ярата олган.

Бобур жозибали мумтоз ғазаллар ижодкоригина эмас, у рубоий жанрида ҳам ўз шахсий услубини намойиш эта олган

улкан санъаткордир. Ўзбек мумтоз адабиётининг рубоий жанри ривожда Бобурнинг ўрни алоҳидадир.

Фалсафий ва тасаввуфий рубоийчиликда Умар Хайём форс адабиётида пешво бўлганидек, Бобур ўзбек адабиёти рубоийчилигида икки жиҳатдан: рубоийларининг кўплиги ва рубоийга таржимаи ҳолга доир деталларни сингдиргани билан бошқа мумтоз шоирларимиздан устун туради.

Бобур бу кичик лирик жанр намуналарида ўз исми, гоҳ вафодор хотинлари – Моҳимбегим ва Гулруҳбегим, гоҳ ўғли Комрон, гоҳ хушовоз ҳофизи Рухдамнинг исми шарифларини мухрлаган. Шуниси эътиборлики, Бобур рубоийларининг мавзулари гоҳат хилма-хил. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлокий-таълимий, диний-тасаввуфий, севги-муҳаббат, дўстлик-тотувлик, ҳаётга муҳаббат, ёру диёр, нифоқ ва нонттифоқлик, жўмардлик ва тантилик, ҳаётдан тўйиб кетиш ва далли-девоналик сингари талкинлар маънавий теранлигию табиийлиги билан ўқувчини мутолаага мойил этади.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, “Бобурнома” Бобур саргузаштларининг воқеий-тарихий лавҳаларидан иборат бўлса, унинг рубоийлари ана шу қомусий асарга ўзига хос поэтик чизгидир. Зотан, “Бобурнома” воқеалар баёни бўлса, рубоийлар ўша воқеалар иштирокчиси Бобурнинг ҳис-туйғулари ғалаёни ифодасидир.

Таржимаи ҳолнинг рубоий ёки ғазалга даҳли бадий матнга ҳужжатлилик бахш этади; ҳужжатлилик эса умумийликдан кўра таъсирчанликда устунлик қилади. Чунки китобхон умуман лирик қахрамондан кўра, Бобурнинг ўзини юракка яқинроқ олади.

Шуниси диққатга сазоворки, муайян рубоийда, юзаки қараганда, таржимаи ҳолга доир ҳеч қандай белги кўринмайди. Агар биз унга адабиётшуноснинг ўткир кўзи билан боқиб, тадқиқ эта бошласак, у рубоийнинг кимга аталгани ва унинг исботини ҳам манзур этишимиз мумкин. Чунончи, Бобурнинг:

*Ашъорингим, шеър оти то бўлғай,
Табъ аҳли анга волау шайдо бўлғай.
Ҳар лафзи дуру баҳри маони анда
Ким кўрди дуреки анда дарё бўлғай?!*

рубоийсини ўқиганимизда гап ким ҳақида бораётганини аниқ билмаймиз. Ҳаёлан мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қиламиз:

Дунёда шеър номи бор экан, сенинг шеърларингга истеъдоддилар мафтуну шайдо бўладилар. Шеърларингнинг ҳар бир сўзи гавҳар, лекин у гавҳарда маънолар денгизи жойлашган. Денгизни ўзига сигдира олган гавҳарни ким кўрибди?

Ўйлаймиз: у қандай буюк шоир эканки, дунёда то шеър оти бор экан, истеъдодли шоиру адиблар унинг шеърларига мафтун ва шайдо бўладилар?

Бобур – қаттиққўл адабиётшунос. У кимни бундай улуг мактовлар билан сийламоқда? “Бобурнома”даги қуйидаги

сатрларни кўз олдимишга келтирамиз:

“Алишербек назирни йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўб ва ҳўб айтқон эмас...”;

“Бу иккинчи навбат Самарқандни олганда, Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим”.

Балки, Бобур ёзган мактуб вароғининг “...орқасида туркий байт айтиб, битиб йибор”гани шу рубоийдир? Ишоти шуки, оламдаги бирор шоир “Мен гавҳарга денгизни жойлаганман” демаган. Алишер Навоий эса ана шу гапни айтган:

*Дур бўлур баҳр ичра пинҳон назмидин шах мадҳида,
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро.*

Бобур юкоридаги байтда даҳо устознинг ушбу байтига ишора қилиб, талмеҳ санъатининг риёзий намунасини кўллаган. Демак, рубоий Алишер Навоийга аталган бўлиши мумкин экан...

Бобур шоиргина эмас, йирик адабиёт назарийчиси ҳамдир. Шеършуносликда аруз вазни масаласи ҳамisha асосий ва долзарб бўлган. Нега шоҳ Бобур бу соҳага жуда қизиқади? Гап шундаки, шеърятда кўп вазн кўллаш ҳодисаси муайян маънода шу адабиёт нуфузи ва савиясини белгилайди.

Ҳатто Хусайн Бойқаро девонидаги ғазаллар бир вазнда ёзилганини махсус қайд этар экан, бу ҳолни Бобур ижобий ҳодиса деб қарамаган.

Бобургача ўзбек тилида аруз илмига доир икки рисола ёзилган. Биринчиси – Шайх Аҳмад бин Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға“(1436/37) асари бўлиб, бундаги тўрт илмининг бири аруздир.

Иккинчиси – Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асаридир. Бу рисолада 140 вазн ҳақида илмий маълумот берилган. Навоийнинг “Фунун ул-балоға” асаридан хабари бўлмаган кўринади. Бобур ўзбек тилидаги арузшуносликнинг бу манзарасидан яхши хабардор бўлгани учун ундан қоникмаган ва бу соҳага ҳисса қўшишга шайланган.

“Бобурнома”ни кўчирган котиб Бобурнинг аруз рисоласи номини “Муфассал” деб кўрсатади. Дарҳақиқат, Бобур бу рисолаи шундай ёзганки, унда асл, фуруъ ва зихофлар юзасидан ишлаб чиқилган 537 вазн микдорига аҳамият берилса, тадқиқотнинг бежиз “Муфассал” деб аталмаганига амин бўламиз. Ушбу маълумот келгусида Бобурнинг аруз рисоласи номини турли нашрларда ва мактаб адабиёт дарсликлариди “Муфассал” тарзида эълон қилинишини тақозо этади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,

Бобур номидаги халқаро мукофот совриндори



Vatan sarhadlari yurakka tutash



Барча замонларда юрт ҳимояси мардларга ишонилган. Мард аскарлар – халқ ғурури, эл ифтихори. Халқ хизматидаги, ҳимоясидаги ҳарбийларимиз ичида санъаткорлар, рассомлар ва ҳаваскор шоирлар ҳам бор. Ушбу саҳифада ҳарбий хизматдаги ижодкор йигит-қизларнинг машқларидан намуналар эълон қилинмоқда. Шиддатлари сатрларида ҳам кўриниб турган ёшларнинг ижоди бардавом бўлсин.

ТУШ

Қахратон киш...
Алахсираб кўраяпман туш...
Силтар эмиш тушимда бобом:
– Оёкка тур, уйғонгин, болам!

Уйғот кўни-кўшнларингни,
Ғафлат босиб ётгани етар,
Тонг отгани қачонлар эди –
Ғофил уйдан барака кетар.

Бозорбойни чақир, бел бўлсин,
Сойга тўғон соларканмиз, де.
Элни бугун бирлаштирмасак,
Сўнг ғафлатда қоларканмиз, де.

Элни уйғот, уйғон шу тонгда,
Кўклам қайтди, бирдам бўлинглар,
Етти иқлим билган маконга,
Оби-ҳаёт олиб келинглар.

Пажмурда ҳуш...
Кўраяпман туш...
Оқ яқтакли бобом силтармиш:
– Эҳе... қолиб кетди қанча иш,
Уйғон болам... одам бўл, одам!

*Расул ЖУМАЕВ,
подполковник*



ВАТАН САРҲАДЛАРИ

Ватан сарҳадлари юракка туташ,
Юрак томирлари уфқка пайванд.
Буюк боболарим изидан бордим,
Қалба меҳр билан, мен ахир фарзанд.

Ўктам овоз ила сафларда мағрур,
Ор-номус ўртада қилдик қасамёд.
Йигитман дегани бу аскар эрур,
Шу учун ватанда барча эллар шод.

Ҳарбу зарбда бирлик юрт жони бўлдик,
Қани, айтинг, бизни йиқа олар ким?
Ватан – Ўзбекистоннинг кўрғони бўлдик,
Юрак ютиб қарши чиқа олар ким?

Ватан сарҳадлари юракка туташ,
Юрак томирлари уфқка пайванд...

*Отажон МЕЛИЕВ,
оддий аскар, Марказий ҳарбий клиник
госпитал қўриқлаш взводи*



АСРАГАЙМИЗ БИЗ СЕНИ ВАТАН

Гоҳ самода, гоҳо саҳрода,
Сарҳадларинг сақлаймиз, Ватан.
Гоҳо учиб, гоҳо пиёда,
Асрагаймиз биз сени, Ватан.

Она Ватан, онамиз ўзинг,
Ок сут бериб, бердинг нон тузинг.
Ўғлингдирмиз ёки биз қизинг,
Асрагаймиз биз сени, Ватан.

Майли ёғсин ёмғиру жала,
Қор уюлиб, бўлса ҳам қалъа.
Юракда ўт, вужуд аланга,
Асрагаймиз биз сени, Ватан.

Куч-қувватга тўла танимиз,
Бир оила – оға-инимиз.
Аҳдимиз шу берган сўзимиз,
Асрагаймиз биз сени, Ватан.

*Дилноза СУЛАЙМОНОВА,
шартнома асосидаги оддий аскар,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округи*

"O'zbek nasri" va "Mubtalo" to'g'risida

Ўтган йили 90 ёш бўсағасидаги оқсоқол журналимиз "Гулистон" хайрли бир ишга қўл урди: "Ўзбек насри" деган руқн очиб, унда атай шу ойбитик учун ёзилган ҳикояни унинг "очкич"и бўлмиш мақола-тақриз билан биргалликда эълон қилишни йўлга қўйди. Миллий матбуотимиз тарихида ҳеч синаб кўрилмаган бу усул ўзини тўла оқлади дейиш мумкин. Журнал ўқирманлари муайян бир асарни қандай тушуниш кераклиги билан, тадбиркорлар тилида айтганда, "кассдан узоклашмай туриб", танишиш имконига эга бўлдилар. "Гулистон"да очкичи билан босилган ҳикоялар орасида Анвар Суён ва Муяссар Тилов сингари ёш ижодкорлар қаламига мансуб асарлар ҳам бор.

Анварнинг "Эрта кетган болалик" ҳикоясида олам ҳодисалари ва одамлараро муносабатлар билан илк бор юзма-юз келаётган ўсмир руҳиятидаги туб эврилишлар ичдан туриб, самимий тасвирланган. Муаллиф тасвир ҳақиқатига эришишга интилиш билан бирга ўзининг ижтимоий позициясини ҳам матн қатларига сингдириб юборишга эришади. Ҳикоядаги катта ўғли интернатнинг аълоҳиси бўлган, кичик ўғли ақаси баҳона шаҳарга бораётганидан шодумон оиланинг ўта ночор ҳолати, шаҳардан қайтаётган она-болаларнинг йўлкирага пули етмай қолганлиги лавҳалари тасвири шунчаки бадий тафсиллар эмас, балки ҳикоячи бағрини ўртаётган, асар қаҳрамони бўлмиш ўсмирнинг эрта улғайишига сабаб бўлган ҳаётий омиллар ҳам эди. Ҳикояда ёзувчи ифоданинг аниқ ва халқчил бўлишига алоҳида эътибор қилгани "автобус бекатга гириб ўтди", "Ўғли бугун негадир бошқачарок, улғайиб қолгандек эди, назарида. У раҳмдил, оғир, ўйчан эди. Илгарилари бунақа сахийлиги йўқ, тажангрок, эркатойроқ эди" сингари тасвирларда яққол кўзга ташланади. Айни вақтда, асардаги "парланаётган буғ", "юзидида қиёфани" сингари ифодалар муаллифнинг тил жозибасини таъминлаш устида ҳали тинмай ишлаши кераклигини билдиради.

Ёш ёзувчи Муяссар Тиловнинг "Сўнги кўзёшлар" ҳикояси, гарчи умидбахш оҳангда тугалланган бўлса-да, ўқирманда оғир таассурот қолдиради. Унда урушдан кейинги оғир йилларда яшаган юртдошлар қисмати ақс этган. Асарда ўлим билан юзма-юз қолган ёш аёл ўю туйғулари, амалу тутумлари унинг табиатидан келиб чиққан ҳолда тасвирланган. Ҳикояда никоҳсиз бола орттирган қизини отанинг зуғуми билан чўл яйловига ёлғиз ташлаб кетишга маҳқум она ҳолатининг "Ҳадича опанинг чақалокқа қарагиси ҳам келмай, шарт бурилиб кетди. Аммо эшикка етганида тўхтади, шитоб билан ортига қайтиб қизини маҳкам кучоқлади. Овозим баланд чикмасин деб тишини-тишига босди. Ичида йиғлади. Барчиннинг қайноқ вужудини оналик меҳри билан силади, эркалади. Қизидан ҳалиям худди туғилган пайтидагидек хушбўй ҳид анкирди. Чорасиз она гўё қайтиб учрашмайдигандек тўйиб-тўйиб ҳидлади" тарзидаги ғоят чин тасвири, бепоён чўл ўртасида чақалоғи билан қолган ёш аёл алласи таъсирининг "Ёз бўйи одам гавжум бўлиб, энди хувиллаб қолган кенг яйлов, қор қоплаган замин, мудраётган тошлар, қоғоги солиқ осмон, олови ўчман деётган ўчоқ аллага ҳалақит бермаслик учун сукут сақлашади" шаклидаги ифодаси муаллифнинг тимсоллар руҳиятини бера олиш салоҳиятига эғалигини кўрсатади. Муяссарнинг: "Одам минг йил худодан ўзига ўлим тилагани билан, Азроил ёнига келса, ўлишни истамай қоларкан" тарзидаги иқрорида ҳам чинлик кўзга ташланади. Ҳикоядаги "ёш қилқан қароқлар" ифодаси бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот бериш, ҳам ўқирманда муносабат уйғота олиши билан эътиборни тортади. Айни вақтда, профессионал элибой (чорвадор)лар ҳаёти ақс этган асарда ҳикоячи тилидан "она ит", "эркак ит" тарзидаги атамалар қўллангани ўқирманни ранжитида. Эҳтимол, тилдаги табу ҳодисаси сабаб муаллиф халқнинг сўзлашув тилидаги "қанжик" ва "арлон"ни юқоридаги йўсинда "маданий" ифодалашга мажбур бўлгандир?! Лекин "ёввойи йиртқичлар" бирикмаси қўлланилишини ҳеч бир йўсинда оқлаб бўлмайди. Ахир йиртқичнинг маданий ёхуд хонакиси

Erta ketgan bolalik



бўладими? Шунингдек, ҳикоянинг номланиши ҳам унчалик муваффақиятли чиқмаган. Негаки, тирик одам кўз ёшларининг сўнггиси ҳақида гапиришни ўринли деб бўлмайди.

Шоир ва ёзувчи Муҳаммад Исмоилнинг “Марра” ҳикоясида ҳам уруш ва ундан кейинги оғир йиллар қаламга олинади. Унда персонажлар табиатидаги индивидуал жихатларни кўрсатишдан кўра образлар воситасида даврга хос белгиларни акс эттириш устуворлик қилади. Асарда оддий кетмончи Қодир ва шўронинг содиқ югурдаги амалдор Очил ўртасидаги қарама-қаршилик илдизи уларнинг одам сифатидаги ўзгачаликларидан эмас, балки давр талабига муносабатдан қидирилади. Тузум учун одам ҳаёти, унинг тақдири сариқ чақачалик қимматга эга эмаслиги, одам ҳар қандай шароитда ҳам ўзи ва ўзлигига хиёнат қилмай яшай олиши кераклиги ўзаро кескин қарама-қарши табиатли шахслар қисмати мисолида акс эттирилади.

Таникли ёзувчи Лукмон Бўрихоннинг “Ялангоёқ” ҳикояси бир қарашда арзимасдай туюладиган кулгили (куръёз) ҳолат тасвирига қурилган. Асарнинг бошидан охирига қадар муаллифнинг ҳам тасвирланган воқеа, ҳам унда қатнашган тимсолларга кинояли назари сезилиб туради. Маълумки, адабиёт тарихида йўқолган нарса тўғрисида кўп ёзилган. Чеховнинг “Шинел”, Ғ. Ғулومнинг “Афанди ўлмайдиган бўлди” ҳикоялари бу жўндаги асарларнинг юксакларидан. “Ялангоёқ”нинг қаҳрамони Ҳалим ҳам ўзига ғоят кадрли бўлган қимматбаҳо туфлисини йўқотиб қўяди. Бу – ҳар қадамда учраб турадиган оддий воқеа. Бундай ҳодисалардан салмоқли ижтимоий маъно чиқариб ҳам бўлмайдигандай туюлади. Лекин санъаткорнинг маҳорати айнан ана шундай оддий ҳодисалар замиридан чўнг маъно топа билишда кўринади. Ҳикоя сўнггида туфлининг йўқолгани, балки йўловчиларнинг молу жонини кўриқлашга масъул бўлган назоратчи ва милиционерлар томонидан ўғирлангани маълум бўлади. Ўзганинг ҳақидан кўрқмаслик, омонатга хиёнат, ўзгага дардкаш бўлолмаслик сингари иллатлар одамлар орасига нақадар кенг ёйилгани Ҳалимнинг купедошлари тимсолида маҳорат билан кўрсатиб берилади. Туфлисини йўқотган йигит ҳолатининг “У минг бир хаёл билан ювинишни ҳам унутиб яна ўз бўлмаси ёнида пайдо бўлганини сезмай қолди” тарзидаги ифодаси асарнинг бадий таъсир кучини оширишга хизмат қилган.

Машхур ёзувчи Нормурод Норқобилнинг “Яксон бўлган қитъалар” ҳикоясида ҳам ҳаётда юз берган воқеани тасвирлашдан кўра одамлараро муносабатларни акс эттиришга кўпроқ аҳамият қаратилгани кўзга ташланади. Унда ўзгаларга яхшилик қилишга интиладиган, олижаноб одамлар кўнглини вайрон қилиш қитъаларни яксон қилишдан кам бўлмаган жиноят экани ҳаётини воқеалар фониди таъсирли акс эттирилган. Ҳикояда Қосим янглиғ кўнглини кўтир босиб, нафақат эзгулик қилмайдиган, балки яхшилик қилганларни

тушунолмайдиган, одамийликни ҳис ҳам этолмайдиган кимсалар ўқувчиларга чуқур билим беришга интиланган Шойдул муаллимга ҳалақит қилиш, унинг эзгу ниятларини амалга оширмаслик учун ҳар нарсага тайёр эканликларини қутилмаган ҳаётини вазиятлар тасвири асносида кўрсатади. Бировнинг ишига саратонда қўли совқатадиган Қосимнинг азбаройи Шойдул муаллимга озор бериш учун у хандақда лойдан ясаб қўйган “қитъа”ларни бузиб, мактаб деворига урмоқчи бўлгани тасвири одам деб аталмиш яратикнинг нақадар мураккаб ва тушунарсиз эканини англайтиши жихатидан ўта муҳимдир.

Машхур ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошнинг “Мубтало” ҳикояси ойбикнинг ўтган йилги бешинчи сониди очкичсиз чоп этилди. Бунга ғоят ўткир сюжетга эга ҳикоя ҳажмининг журнал имкониятларига қараганда каттароқлиги сабаб бўлганлиги. Шу боис ушбу умумлаштирувчи мақолада асар таҳлилига бир қадар кенгроқ ўрин берилади.

Ҳар бир аёл фитратини фидойилик ташкил этади. Бунинг боиси ҳар бир аёл яралишидан илоҳий мурод оналик эканидир. Айнан фарзанд ва унга муносабат аёлнинг одамийлик даражасини белгилайди. Кераклилик ҳисси аёлни гуркиратади, унга латофат бахш этиб, инсоний моҳиятини юксалтиради. А. Йўлдошнинг “Мубтало” ҳикояси онанинг шу каби сифатларига сўз билан қўйилган ҳайқалдир. Ҳикоя қаҳрамонининг: “Носни ёмон кўраман” тарзидаги қутилмаган иқрори билан бошланади. Бутун асар воқеалари ана шу ёмон кўрилган нос атрофида уюшади, у орқали ривожланиб, мантиқий яқунини топади.

Ҳикоя жуда енгил тилда ёзилганига қарамай, азоб билан кийнаиб, эзилиб ўқилади. Одамга, у билан содир бўлаётган ҳодисаларга ёндашув тарзининг қутилмаган, аммо ҳаққоний йўсини, ечимнинг шафқатсиз, лекин мантиқий экани китобхон елкасидаги юкни дақиқа сайин оғирлаштириб боради. Ҳар қандай миллатнинг асл даражасини оналар белгилайди. Айнан оналарга муносабат муайян улуснинг тараққиёт йўналишини тайин этиб, яхши ва ёмон, хунук ва гўзал каби тушунчаларга тўғри ёндашувни таъминлайди ёки аксинча.

Она ҳақида ҳар бир миллат адабиётида ҳамиша ўзига хос тарзда ёзиб келингани учун ҳам уларнинг бири иккинчисини такрорламайди, бири бошқасига ўхшамайди. Шунингдек, бадий яратикларда она фидойилиги, унинг



SO'NGGI KO'ZYOSHLAR

Ўз фарзанди йўлида қурбон бўлиши тасвири унчалар ҳам улкан фожиа саналмайди. Оналарнинг фидо бўлишларига бир қадар кўникиб қолинг дейиш ҳам мумкин.

“Мубтало” ҳикоясида сюжет боланинг тиш оғриғига йўлиқиши — дардга мубтало бўлишдан бошланади. Шу нуқтадан бошлаб, то асар охирига қадар она қиёфасига бирма-бир чизик тортилаверади. Эрининг нос чекишини ёқтирмай, ижирғаниб юрадиган, хўжасига билдирмаса-да, унинг нос шишасидан жирканадиган аёл тиши оғриётган боласи азобини енгиллатиш учун носни чекиб кўрсатади. Шишасини ушлашдан ҳам ҳазар қиладиган нозиктаб аёл ўғли қийналмаслиги йўлида бир отим носни оғзига ташлаб, кўзларини юмганча тамшаниб: “Мажжа, қая”, дея олади. Бола илк бор нос отиб кайф таъсирида тиш оғриғини сезмай қолганида она нос шишасини меҳр билан силаб кўйиши лавҳасида муаллиф руҳий ҳолатни илғаш маҳорати, оналик туйғуси қудратини қанчалар чуқур англаши намён бўлган.

А. Йўлдош она тимсолини гоят батафсил, ҳеч бир икир-чикирни эсдан чиқармаган ҳолда чизиш йўлидан боради. Шу қадар батафсил чизадик, китобхон баъзан асарни ҳозир тугар, энди бўлгандир деган туйғу билан ўқийди. Чунки ҳикоядаги она барчага таниш, барчанинг онаси, барча шу ҳикоя қаҳрамони каби ўз онасини қийнаган, уларни ўз принципларига қарши боришларига мажбур этган. Боласи бўлганимдан кейин шундай қилади-да деган ўзчилик (худбинлик) иддаоси баъзан оналарга жуда қимматга тушганлигини кўриб боради. Онанинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир тутуми ортида қанча азоб, фидойилик ётиши китобхонни сергаклантириб, ўйга толдиради, безовта қилади. “Мен ҳам онамни шундай қийнаганман-ку”, деган ўй уни изтиробга солади.

Ёзувчи ҳикояда она қиёфасини қадам-бақадам очиб боради. Боланинг тиш оғриғи босилавермагач, она уни бир неча чақирим наридаги тиббиёт пунктига олиб боришга аҳд қилиши лавҳасига кишини бўғиб юборадиган бир тасвир сингдирилади: ота фарзанднинг қийноқлари-ю, онанинг ёлворишларига қарамасдан, бригадир уришади деган ваз билан болани дўхтирга олиб боришдан бош тартади. Боланинг тиш оғриғини қолдириш учун нос кўйишни ўргатади. Бу лавҳада ўша даврдаги ижтимоий тузумнинг зуғуми, оддий меҳнаткашлар маиший аҳволининг оғирлиги тасвири билан бирга отанинг оиладаги асл миссиясини бажаришга интилмагани ҳам акс этган. Шу боис танмаҳрама, хасми ҳалоли сувфуруш Грикнинг ифлос шаъмаларига, имо-ишораларига, суқ назарига дуч келади. Ўғил ҳам шу отанинг фарзанди — эракнинг онасига қандай боқётгани, қандай сўзларни

Yakson bo'lgan qit'alar



айтиб, нимага ишора қиляётганини кўрса-да, тушунмай, газли сув деб хархаша қилади. Айни ўринда китобхонда ҳикоянинг асл юки газли сув воқеасидадир деган таассурот уйғонгандай ҳам бўлади. Айни шу нуқтадан эътиборан ҳикоячи қаҳрамон ўзини тафтиш этади, қилмишларидан пушаймон чекади, тазарру қилади.

Ҳикояда китобхонни эзиш давом этади — онанинг газли сув олдидаги қийноқлари тасвири етмагандай, улар тиббиёт маскани фониде кўрсатилади. Барча шифокорлар пахта чопиқда экани сабабли дўхтирхонада ёлғиз ўтирган қоровул чол ҳам тишга нос кўйишни тавсия этади. Шу лавҳаларни ўқийтган китобхон кўз ўнгида юзи изтиробдан қорайган, нигоҳида иложсизлик қотиб қолган она гавдаланади. Тириклиги меҳнатдан, машаққатдан, тийилишдан, ҳаммага ҳисоб бериб яшашдан иборат бўлган Она бор умидини фарзандига тиккан, мен кўрмаган яхши кунларни шу болам кўради, менга ҳам кун кўрсатади деган умидгина уни тутиб турибди. Унинг орзу-ҳаваси, иззат-нафси, ғурури, умуман, онада мавжуд ёруғ томон фарзанд бўлиб дунёга келади. Шу боис бола оёғига кирган тикан она юрагини қонатади, болани менсимаслик она ғурурини ерга уради, у чеккан машаққат она қаддини букади. Ўзи ота бўлмиш муаллиф ҳикояда ОНАгагина хос бу жиҳатларни тўла илғаб, тасвирлай олган.

Қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси тасвири уларнинг ички дунёси ва характерининг энг муҳим жиҳатларини очишга хизмат қилади. Абдуқаюм Йўлдош она табиатини тасвирлар экан, бирор ўринда ҳаётий ҳақиқатга зуғум қилмайди, меъёрни бузмайди. Тўланинг ғариб кўриниши, ичида қурбақалар юриши, носшишанинг шифтга қистирилгани, онанинг носни дастлаб пахтага ўраб бергани, чопагон бўлиш учун бола оёғига суриладиган ҳашарот, кун иссиқлиги, тупроқ ёниши, Грикнинг ёғлама

MARRA



юзи, ҳикояда ўзи кўринмай фақат оти тилга олиққан, аммо ҳикоянинг ўқ асосини ташкил этган бригадир сингари тамсил ва тафсиллар она ҳамда бола руҳий ҳолатини тўлароқ очишга хизмат қилдирилади.

А. Йўлдош ҳар бир қахрамонни воқеаларнинг табиий оқими бағрида шахсияти ўзига хослигига зуғум қилмаган тарзда тасвирлай билгани учун китобхон олти яшар ўғил, ота, Грик ва бригадир ҳақида ҳаққоний, яхлит тасаввурга эга бўлади. Ўғилнинг ихтиёрсиз бешафқатлиги илдизи унинг норасида болалигидан ташқари, отаси табиатига ҳам боғлиқ эканига ишора қилинади. Отани ўғлининг тиш оғриғи, фарзандидан кўпроқ кийналаётган она изтиробидан кўра маошни бермайдиган, кўзига тик қараган кишини ишдан ҳайдамагунча кўймайдиган зolim бригадирнинг зуғуми кўпроқ ташвишлантиради. Ота каби ўз ҳақини талаб қилолмайдиган, боридан ҳам айрилиб қолишдан чўчиб яшайдиган кўрқок кишилар айнан шундай қисматга муносибдирлар. Ҳикоядаги она-ку ўз фарзанди учун фидокорлик қилади, аммо ота қабилар жамиятнинг шунчаки югурдаклари қурбони бўлаверади. Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шундай – тўдадаги заиф кийик йиртқичлар емишига айланади. Китобхон баъзан отага ачиниш қараса, кўпроқ энсаси қотади. Бригадирга уйдаги ахволни тушунтиришга отанинг журъати етмайди. У фарзандининг қанчалар кийналаётганини кўра туриб, ҳеч нарса қилолмайди. Айни вақтда отани ҳам тушуниш мумкин. Унинг бригадирдан ҳайкиши кўрқоклигидан эмас, балки оила, бола-чақа боқиш, уларга боғлиқ орзу-ҳавасларни моддий таъминлаш фақат ўзининг зиммасида эканини жуда чуқур англашидандир. Уни тилсиз, ғурурсиз, ҳатто меҳрсиз қилган ҳам аслида тошдан қаттиқ тириклик. Фарзандига тўй қилиш орзусида юрган ота шу туфайли унинг соғлиги учун куйса-да, куймалана олмайди. Қолаверса, муаллифнинг ҳикояда отага катта аҳамият бериш мақсади бўлмаган. Акс ҳолда, мана шу ҳаракатларнинг ўзи биланоқ уни оқлашга, яхши кўришга асос топиб бера олган бўлар эди.

Абдуқаюм Йўлдош ҳар бир қахрамон киёфасини чизишда унинг руҳиятига мос воқеадан фойдаланган. Бу ўқувчига образ билан юзма-юз бўлиш имконини беради. Грикнинг устидаги либоси, ёғ босган юзи билан у ишлайдиган жой тасвири жуда бир-бирига муносиб тушган: иккиси-да кишида нохуш таассурот уйғотади.

Асар қахрамонининг ўз онаси ҳолатини тушунмагани тасвирланган ўринлардаги ёркин драматизм ўқирманга кучли таъсир кўрсатди, ҳикоячининг: “Ваъна нима бўпти, полга тупуриб ташламайсанми, она?! Поллар нима бўпти, гиламларга тупуриб ташламайсанми, она?!” деган андухли овози кулоқлари остида жаранглагандай бўлади. Боладаги тиш оғрик – қисқа муддатли мубталолик онада нос хумори – бир умрлик мубталоликни келтириб чиқарганидан ҳайратларга тушади.

Ўғли сабаб нос чекмаса туролмайдиган бўлиб қолган она ҳолати жуда аёвсиз, кескир қизилган: носкашлигини



ўғлига айтолмайди, кишлокқа қайтолмайди, нос шишаси эса синиб қолган. Хуморни босишнинг ўзга йўли – йўқ! Меҳрибон ўғил эса аслида онага керак ишни эмас, балки ўзи унга зарур деб билган юмушларни бажариш билан банд: бозорга олиб боради, кийимлар олиб беради, тансиқ егуликлар келтириб кўяди, онамга яхши қаранглар дея тайинлайди... Онасининг уйга кетишга бу қадар шошилиши сабабини астойдил излаш ўрнига “Шу-у-унча қилсам ҳам”, дея хафа ҳам бўлади! Худди болаликда газли сув хархашасини қилгани каби.

Қахрамоннинг ҳикоя сўнггидаги тутуми китобхонни ўйга толдириб, унинг ҳамдардига айлантиради. Она сурати ёнидаги қуриб-қовжираган носни янгисига алмаштириб кўйиш лавҳаси воситасида ўз вақтида озгина фаросату ҳафсала билан битадиган иш жиддий муаммога айланиб, сўнгсиз пушаймонга сабаб бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Фарзанд, умуман, инсоннинг атай бешафқат бўлмаслиги, кўп ҳолларда зулмнинг замирида ёвузлик ёки ёмон тарбия эмас, шунчаки эътиборсизлик, ҳафсаласизлик ётиши ечимга яқинлашган сайин аёнлашиб бораверади. Абдуқаюм Йўлдош онанинг сўлиб, маҳв бўлиб боришини қадам-бақадам тасвирлаш орқали китобхонни асарда акс этган воқеаларнинг тўла иштирокчисига айлантиришга эришган. Ўқирман боласининг кўз ўнгида умр чироғи сўниб бораётган онага астойдил қайғуради, ҳикоя сўнгига қадар ўғилнинг сезгирлигига умид боғлайди. Зотан, ҳатто, шишасидан жирканадиган носнинг мубталосига айланган онанинг сабабсиз, шунчаки йитиб кетиши бадиий мантиққа зид бўларди. Онанинг ҳаёт ва мамот имкониятлари тенг бўлган қомага тушиб қолгани тасвири мазкур ҳақиқатни муаллиф нозик иллаганини кўрсатади.

Инсон ҳаёти кўпинча у танлаган йўл, бажарган амалга боғлиқ. Олти ёшли боланинг газли сув учун хархашаси, саккиз чақирим йўлни она елкасида босганини тушуниш мумкин. У хали кўп нарсаларни англамайдиган гўдак эди. Аммо шаҳарга келиб ишлаётган катта одамга айланганда ҳам бу хархашанинг амалда тугамагани, онанинг

хамон фарзандини елкасига опичиб юргани ўқувчини сергаклантиради, ўзига четдан назар солиб, фарзандлик мақомини таҳлил қилишга ундайди.

А.Йўлдош хикояда фарзанд тимсолини барча яширин ва нозик жиҳатлари билан тўлиқ гавдалантира билган. Умуман, хикояда иштирок этган ҳар бир қахрамоннинг туйғулари, ташвишлари, камчилик ва фазилатлари ишонарли кўрсатилган. Шу боис ҳам асар узоқ вақт китобхонни таъсирлантириб, ўз холига “қўйиб” юбормай, хаёлини банд этиб туради. Асардаги тимсолларнинг барчаси – тирик одамлар. Фидойилиги билан китобхонни ўзига мафтун этиб, қатъияти билан лол қолдирган онанинг асар сўнгига қадар нос чекишини ўз фарзандидан бекитиши тасвири ўқувчи қалбини жунбишга келтиради. Оила боши – эрнинг қўлига, оғзига қараб яшайдиган ихтиёрсиз ожизадаги яширин қудрат билан бирга улкан ички маданият ўқирманни хайратга солади, унда айбдорлик ҳиссини пайдо қилади.

А.Йўлдош онани мунтазам изтироб ва таъкиб бағрида кўрсатиш билан бу тим-солни тарашлаб, тийнатидаги яши-



рин гўзалликни очиб бораверади. Она образи сайқаллангани, эзилиб-кийналишлари миқёси ортгани сари унинг ичидаги КУДРАТ кўлами ёрқинроқ намоён бўлаверади. Муаллиф она тимсолига чизиқ тортишда миллий бўёқлардан жуда усталик билан фойдаланиб, сездирмаган ҳолда унинг чуқур, азим, ҳатто, хайбатли киёфасини кўрсата олган.

“Мубтало” хикояси қахрамони ўй ва кечинмаларининг самимийлиги асарнинг залворли бадий юкка эга бўлишини таъминлаган. Хикоячи эзгулигу адолат йўлида курашувчи фаол шахс эмас. У – ўзи ҳам билмагани ҳолда онасига эътиборсизваадолатсизлик қилган гумроҳ ўғил. Қахрамоннинг руҳиятидаги ўзгаришларни А.Йўлдош ўқувчиларга ҳам туйдириш билан фожиани бутун кўлами билан тасвирлай олган. Онаси комага тушган одам қандай руҳий ҳолатда бўлишининг универсал йўриғи мавжуд эмас. Бу ерда Абдуқаюм Йўлдош қахрамонга энг мос келадиган йўлни топа билган. Она сурати олдиға ўзи ёки ўғлининг ҳар ҳафта нос олиб келиши тасвири қахрамон руҳиятида жиддий инқилоб, улкан ҳиссий эврилиш бўлиб ўтганини англатади.

Асл бадийят негизда кучли туйғу тасвири ётади. Абдуқаюм Йўлдош асари ҳам адолатсизлик, худбинлик, лоқайдлик ва тубанликка нафрат туфайли пайдо бўлган. Хикоя қахрамони болалигида рўй берган кичик нохушлик келажақда юз берадиган улкан фожиага асос бўлган.

Бир қарашда онани ўғилнинг эътиборсизлиги хароб этгандай. Аслида-ку, Яратган изнисиз битта япроқ бандидан узилмайди. Шу билан бирга инсонда ҳаммиша танлаш имконияти мавжудлиги ҳам бор гап. Пешонасига битилган тақдирга қай йўл, қай воситада этиб келишни банданинг ўзи ҳал қилади. Муаллифнинг ютуғи шундаки, хикоядаги образлар биз кўнуккан адабий қахрамонларга ўхшамайди. Улар ўз табиатига эга ва фақат шу табиатларидан келиб чиққан тарздагина ҳаракат қилишади. Адибнинг тасвир маҳорати Грикнинг бу қадар бефаҳм, тўнқамижозу онанинг шунчалар андишали, отанинг журъатсиз, ўғил-келинининг эътиборсиз бўлиши мумкинлигига ўқувчини ишонтира олганида намоён бўлади. Адиб образлар хатти-ҳаракатининг батафсил тадқиқидан эринмайди. Ҳар бир қахрамон ўз хатти-ҳаракати, феъл-атворига мос тақдирга эга бўлади деган қараш хикоя замирига сингдириб юборилган.

Ота ёки она асарда тасвир этилган ҳаётий вазиятларнинг бирортасида сал қатъиятли ва журъатли бўлганларида сюжет буткул ўзга йўналишда ривожланиб, она узоқроқ яшashi мумкинлиги туйғуси бутун хикоя давомида ўқувчини тарқ этмайди.

Адиб персонажлар сийратигади қашшоқликни ҳеч пардаламай, аямай кўрсатган. Хикояда муаллиф



асардаги образлар борасидаги барча тўхтамларини уларнинг ўз хатти-ҳаракат ва тутумларидан келтириб чиқаради, бутун иллату фазилатларини ҳаётий ҳолатлар тасвири асносида кўрсатади. Бундай ифода тарзи баҳоларнинг холис бўлишига имкон беради.

“Мубтало” хикоясида бирор ижтимоий тузумдан кўра ўша тузумда яшаётган инсон маънавиятини мукаммаллаштириш муҳимроқ экани акс эттирилган. Бу ўқирманларга персонажлар табиатини теранроқ туйиш имконини беради.

Хуллас, ўзбек насри намуналарининг очқич билан берилиши ўзини тўла оқлаган ва бу хайрли ишни эндиликда ҳам давом эттириш керак деб ўйлаймиз.

Қозоқбой ҚАШҚИРЛИ,
Муҳайё ИСМОИЛОВА



Назира БОЙМУРОДОВА фотолавҳаси

San'atda bosh mezon — mahorat

Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Маҳкам Муҳамедов билан суҳбат

– *Маҳкам ака, сиз узоқ тажрибага эга режиссёрсиз. Сизнингча, санъат, унинг моҳияти нимадан иборат?*

– Санъатни илоҳий тушунча деб ҳисоблайман. У кундалик ҳаётимиздан баланд туриши, руҳиятимизнинг энг юқори даражаларида намоён бўлиши керак. Моҳиятини бир мисол билан тушунтиришим даркор. Бир куни тушкун кайфиятда пайтим “Чўли ирок”ни тинглаб қолдим. Мусиқа товушлари қулоқларимдан қалбимга сингиб борарди. Мени ажиб ҳис чуллаган, эгим титраб турарди. Ҳаёлимдан, онгу шууримдан тинимсиз бир ўй ўтарди: сен ўзи бу дунёга нега келдинг, нега яшадинг, нималар олдинг, бошқаларга нималар беролдинг? Ҳаёт нима, унинг моҳияти, сир-синоатлари нимадан иборат? Саволлар гирдобидаман, кўз ўнгимда бутун ҳаётим оний лаҳзаларда гавдаланди. Назаримда, бу ҳолатдан руҳим покланар, танамдаги бутун иллатлардан фориғ бўлаётгандек эдим. Ўйлаб кўрсам, бу мусиқа таъсирида содир бўлди. Мана, мусиканинг, санъатнинг кучи! Кўринадики, санъатнинг моҳияти инсон руҳини поклаш, эзгуликка чорлашдан иборат.

– *У ҳолда, санъатнинг манбайини илоҳийлик, деб тушунишимиз тўғри бўладими?*

– Гарчи санъат илоҳий тушунча дейилса-да, унинг манбайини фақатгина илоҳийлик билан боғлаш тўғри бўлмайди. Зеро, ҳар қандай санъат асари ўзи мансуб бўлган халқнинг, миллатнинг маънавий тафаккурида вужудга келади. Унинг маънавий сарчашмаларидан, анъана

ва кадриятларидан, керак бўлса, генидан озикланади. Шу сабабли, ҳар бир ижодкорнинг асарига менталитет руҳияти акс этади. Халқнинг, миллатнинг руҳияти билан озикланган санъат асарларигина мумтоз асарлар ҳисобланади. Турғун Алиматовни эсланг... Танбурининг ҳаётбахш мусиқаси кишини ўзга бир оламга ғарқ қилади. Тафаккур қилиб кўрсак, шу олам бизнинг ўзимизга, ўз ичи-ташимизга саёҳат бўлади.

Кўп йиллар олдин бошқа бир миллатга мансуб киши “Нега шарк мусиқаси жуда ғамгин, оҳангларида қувноклик йўқ?” деб сўраганди. Унинг фикри бирёқлама бўлса ҳам, унга булар халқнинг бошидан ўтганлари ифодаси, руҳияти маҳсули бўлиши кераклигини тушунтирганман. Ўша маънос оҳангларда тарихимиз, ўтмишимиз акс этганки, у ҳамон сақланиб келмоқда. Мумтоз асарларимизда гап кўп. Бугунги санъат асарларига мумтоз руҳни олиб кириш лозим.

– *Миллий руҳни замонавий асарларга олиб киришнинг йўли қандай?*

– Томошабин одатий, маиший гаплардан тез чарчайди. Бугун тафаккурни бойитадиган, маънавий озуқа берадиган асарлар яратиш пайти келди. Бу ҳолатни телекўрсатувларда ҳам кузатиш мумкин. Кўр-кўрона таклид қилиш тўғри эмас. Кўрсатувни томошабиннинг эҳтиёжи, аудиториянинг талабидан келиб чиқиб тайёрлаш керак. Масалан, бугун хориж телевидениеларида ток-шоулар кўпайиб кетди. Бунинг таъсири бизда ҳам сезилмоқда. Тўғри, ток-шоулар керак. Лекин ҳаддан ташқари кўп

бўлиши томошабинни бездиради. Бугуннинг томошабини бугуннинг муаммолари, қахрамонлари акс этган асарларни кутаяпти. Ижодкор бу талабларга жавоб бериши керак. Эътибор берсангиз, театр сахнаси томошабиндан бироз юқори туради. Ижодкорлар худди шу рамзийлик сингари томошабиндан юқори туриб, уларни мушоҳадага бошлайдиган асарларни акс эттириб, керак бўлса, санъат воситасида тарбиялаши керак. Ахир, халқ ўзининг муаммоларини, ғам-андухларини, қувончу дардларини, тарихини, кези келганда, келажagini, умуман, ўз ҳаётини томоша қилишни истайди. Ижодкор санъат воситасида кишилар қалбидаги руҳий кемтикликни тўлдириши лозим. Шундай асарларнинг умри боқий бўлади, вақт синовидан безавол ўта олади. Биргина мисол, Ўлмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз”ини олайлик. Йиллар асарнинг қимматини оширдик, асло завоул етказа олмади. Унда кўтарилган инсон масаласи, ҳалоллик, лафз тушунчаси ҳамма даврлар учун, миллатлар учун бирдек долзарб.

– *Кўп йиллар телевидениеда, театрда режиссёр бўлиб ишлагансиз. Ҳақиқий санъат асари яратиш талабини санъатнинг барча соҳасига бирдек қўйишимиз мумкинми?*

– Санъат кенг қўламли ва жуда сертармоқ соҳа. Битта талабни барча жабҳага қўйиш ноўрин. Мисол учун, спектаклни режиссёр бир неча ойлар давомида ишлайди. Кинорежиссёрга ҳам худди шундай вақт масаласида эркинлик берилган. Бироқ телевидение режиссёри бундай имкониятга эга эмас. Эфир уни қутиб

турмайди. Унинг доим вақти зик. Шу боис, ундан ҳар куни ҳам санъат асарини талаб қилиб бўлмайди. Бирок телевидение режиссёрининг олдида ҳам профессионализм масаласи туради. У ўз ишини виждонан, ҳалол бажариш билан бир қаторда, тайёрлаётган кўрсатувларининг учтадан, тўрттадан бирини чин санъат даражасида, ўз ишидан қониққан ҳолда тайёрлаши керак. Буни эса томошабин дарров сезади.


Агар бевосита кино ва театрга тўхталадиган бўлсак, уларнинг икковига ҳам ҳар бир асарни ҳақиқий санъат даражасида яратиш талабини кўйиш шарт, деб ҳисоблайман. Зеро, уларда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд ва ҳаммаси ижодкорларнинг ўзларигагина боғлиқ бўлади.

– Юқорида профессионализм ҳақида гапириб ўтдингиз, шу масалага батафсилроқ тўхталсангиз...

– Профессионализмни бир сўз билан тушунтириш қийин, назаримда. Унинг қирралари кўп. Бу инсоннинг ўз соҳасини билишидан тортиб, инсоний фазилатларигача бориб тақалади. Телевидение мисолида олиб қарайдиган бўлсак, жараёнларни кўриб, ўзим шунга амин бўлдимки, телевидение инсонга катта масъулият юклар экан. Агар режиссёр ўз ишининг устаси бўлмаса, эгасига етгунча, қабилда ишласа, жуда катта хато қилади. Агар у профессионал эмас экан, унинг телевидениеда ишлашга мутлақо ҳақи йўқ. Оддий томошабин кўрсатув тайёрлаган ижодкорнинг савиясини дарҳол сезади. У ўз эътирозини содда йўл – бошқа каналга олиб кўйиш билан ифодалайди. Бунда томошабинни айблаб бўлмайди.

Профессионализм масаласининг яна бир томони муаллиф танлаш жараёни. Кўпчилик режиссёрлар бирор асарни ўқиб чиқишади ва ёкса унинг устида ишлашга киришишади. Бирок асарнинг ўзи камлик қилади. Унинг ғоясига, унда айтилган фикрга чуқур эътибор қаратиш лозим.

– Профессионализм, албатта, тажриба, тинимсиз олинган билим ва юксак сабоқлар маҳсули. Шундай экан, бугунги кунда ёшларимизнинг мукамал шахс бўлиб етишишларида асосий воситалардан бўлган устоз-шогирдлик анъанасининг ҳо-



лати ҳақида қандай фикрдасиз?

– Ёшларга мана шу одам сизга устоз, шунинг этагидан тутиб, камол топасиз, деб сунъий мактаб яратиб бўлмайди. Аслида шогирд устозни ўзи танлайди. У ўзининг руҳиятига, қалбига, дунёқарашига мос устознинг этагидан ўзи тутаяди. Мен устозим Тошхўжа Хўжаевнинг қилган ишларини ҳайрат билан ўрганганман. Ҳозир ҳам мени кузатиб, ишларимни текшириб тургандек бўлаверади. Устоз-шогирдликда руҳий яқинлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундагина у ўз устозининг анъаналарини давом эттиришга, ўзини устоз деб келганларга ёрдам беришга ҳаракат қилади.

– Ёшлар ижоди ҳақида нималар дейишингиз мумкин?

– Бугун режиссёр бўламан, ишимнинг устаси бўламан, деган ёшлар жуда кўп. Улар жуда ҳаракатчан, қизиқувчан, дунёга чиқишга интилишади. Бу қувончли ҳол, албатта. Бирок тинимсиз меҳнат қилмай туриб, катта ишга қўл уриш тўғри эмас. Уларга ўзлари маза қиладиган асарлар яратишни, одамларга эзгу сўз айтадиган, яхшиликка чорлайдиган спектакллар, фильмлар, кўрсатувлар тайёрлашларини тилардим. Ҳақиқий умуминсоний ғояларгина умрбоқий бўлади.

Сухбатдош Элдор ЙЎЛДОШЕВ

Батал жанри тасвирий санъатда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ном французча “bataille” сўзидан олинган бўлиб, “жанг” маъносини билдиради. Батал жанрида ижод қилиш рассомдан кўп ўқиб, ўрганиш, изланиш, машаққат, чуқур тарихий билим, масъулият, катта тайёргарлик талаб этади. Бу жанр ҳарбий ҳаёт, денгиз ва қуруқликдаги жанг лавҳалари, қаҳрамонлар жасоратлари каби ҳарбий фаолиятнинг турли лаҳзаларига бағишланади. Батал жанр Европа уйғониш даврида мустақил аҳамият касб этиб, Микеланжелло, Тинторетто, Леонардо да Винчининг батал композицияларида намоён бўлган бўлса, шарқда китоб иллюстрациялари, миниатюралар ва сарой деворларидаги суратларда кенг ўрин олди.

Юртимизда ҳам санъатнинг бу йўналиши қадимдан мавжуд бўлиб, у миниатюра, деворий сурат, мато, гилла безаги сифатида кенг тарқалган. Камолiddин Бехзод, Али Ризо Котиб, Муҳаммад Мурад Самарқандий каби миниатюрочи рассомлар Темур ва темурийлар даври қўлэмаларини безашда соҳибкирон Амир Темурнинг ҳаёти билан бирга, олиб борган жанглари ҳақида ҳам миниатюра асарларини ишлаган. Жумладан, “Темурнинг Ҳиндистонга юриши”, “Темурнинг Султон Боязидни асир олиши”, “Тўхтамишхон лашкари-

нинг Амир Темур қўшини томонидан тор-мор қилиниши”, “Темур қабулида” ва бошқалар. Шу билан бирга, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” қўлэмасига ишланган миниатюралардан “Темурнинг Самарқандга тантанали кириб келиши” (1434 йил, Шероз миниатюраси, Фрир галереясида сақланади), “Султон Маҳмудхон асир Султон Боязид Елдирирни Амир Темур ёнига олиб келмоқда” (1553 йил, Шероз миниатюраси), Камолiddин Бехзоднинг “Темурнинг Смирна қалъасини камал қилиши” (1485 йил, Балтиморда сақланади); Абдулла Хотифийнинг “Темурнома” қўлэмасига Али Ризо Котиб томонидан ишланган “Темур қабулида” (Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Санъатшунослик институтинида сақланади), “Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши” (1553, Шероз, Лондондаги Британия музейида сақланади) ва бошқалар.

Ўзининг бетакрор гўзал санъати билан нафақат Шарқ халқлари, балки дунё халқлари маданияти тарихида самарали из қолдирган, унинг тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюк миниатюрочи мусаввир Камолiddин Бехзод китоб безакларида жанг лавҳаларини ишлаган. Жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига “Темурнинг Смирна қалъасини камал қилиши”, Низомийнинг “Хамса”сига “Искан-

дар ва Доро лашкарларининг жанги” каби асарларини мисол келтириш мумкин.

Бугунги кунда ҳам бир қатор ўзбек рассомлари бу жанрга мурожаат этиб, маҳобатли, кўп фигурали ва мураккаб композицияли асарлар яратишяпти. Уларнинг асарларини биз Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темур ва темурийлар тарихи давлат музейи, Қуролли кучлар музейи экспозицияларида кўришимиз мумкин. Улар қаторида Малик Набиев, Зайниддин Фахриддинов, Эркабой Машарипов, Муҳаммад Нуриддинов, Алишер Аликулов ва бошқаларни эътироф этиш мумкин. Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик Малик Набиев батал жанрида “Амир Темур”, “Муқанна” портретлари, “Спитамен кўзғолони”, “Муқаннанинг араб босқинчиларига қарши кўзғолони” каби асарларини яратган. Рассом кўп фигурали ҳамда мураккаб композицияли асарларида персонажларнинг ташки кўриниши, либослари орқали ўша давр руҳиятини бериш билан бирга, одамлар, отларни динамик, жонли ҳаракатларда акс эттирган. Муқанна, Спитамен каби тарихий шахслар сиймосини жанг лавҳалари воситасида акс эттирган.

Бугунги кунда ўзининг тарихий ва батал жанридаги асарлари билан юртимиз довуғини дунёга тани-

таётган рассом Алишер Аликулов аждодларимизнинг турли даврларда юрт мустақиллиги учун олиб борган курашлари ҳамда уларнинг ватанпарварлик туйғуларини ифодаловчи мураккаб композицияли ҳамда кўп фигурали, динамика кучли бўлган асарлар яратган. Жумладан, “Байроқ учун жанг”, “Қалъанинг олиниши”, “Жалолiddиннинг душман қуршовини ёриб ўтиши”, “Амир Темур жаҳон тарихида”, “Жадидчилик ҳаракати ва халқ кўзғолонлари” каби асарлари орқали Ўзбекистон заминининг бой тарихи ва маънавий қадриятларини тараннум этган. 1996 йил “Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси” дастгоҳли асарини яратган, шу билан бирга “Амир Темур жаҳон тарихида” деворий сурати Ўзбекистон тарихи давлат музейининг Амир Темур залига ишланган. Амир Темурнинг сиймоси ва тарихий воқеалар баёни совуқ ва иссиқ ранглар уйғунлигида таъсирчан ифодаланган. Алишер Аликулов дастгоҳли ҳамда маҳобатли деворий суратларида инсонларнинг ички дунёси ва мураккаб руҳий ҳолатини реал воқелик билан умумлаштириб кўрсатади.

Э.Машарипов ва А.Аликуловларнинг тарихий ва батал жанрида ишланган «Амир Темурнинг Тўхтатамишхон устидан ғалабаси», З.Фахриддиновнинг «Зафар», М.Нуриддиновнинг «Саид Баракка Амир Темурни ҳокимият рамзи



– ногора ва ғалаба байроғи билан тақдирламоқда» сингари сюжетли асарларда Амир Темур енгилмас саркарда, ўз халқининг шавкатли ўғлони сифатида гавдалантирилган. Бу кўп фигурали композициялар ўзида очик ҳаракат майдонини намоён этадики, Амир Темур доимий тарзда марказий, бош қиёфа тарзида талкин этилади.

Зайниддин Фахриддиновнинг ижоди сермахсул бўлиб, асарларида батал жанри кенг ўрин тутган деб айтсак муболага бўлмайди. Жумладан, унинг “Сарбадорлар жанги”, “Амир Темур”, “Жалолiddин Мангуберди” каби асарлари қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ўша давр муҳити ва ҳолатини рангин бўёқлар орқали кўрсатиб берган.

“Шухрат” медали соҳиби Мирхамид Собировнинг “Тўмарис”,

“Юрт посбонлари”, “Бизнинг аждодлар” каби асарлари батал жанрида яратилган бўлиб, уларда ватанпарварлик, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги учун ўз жонини фидо қилган аждодларимиз тасвирланган. Бугунги кунда рассомлар Ватан озодлиги, халқ тинчлиги йўлида жонини фидо қилган мард, жасур, ватанпарвар ўғлонларнинг қиёфалари, уларнинг қаҳрамонона фаолиятларини акс эттириш орқали томошабин кўз ўнгида буюк тарихимизнинг шонли саҳифаларини жонлантириб, авлодлар қалбида фахр, ифтихор, ватанга муҳаббат, садоқат каби туйғуларни шакллантира олмақдалар.

Зулфия АБЗАМОВА,
Ўзбекистон тарихи давлат
музейи катта илмий ходими



ASSOMLAR IJODIDA VATANPARVARLIK TALQINI




Дунёда касблар кўп, ҳунар кўп. Уларнинг айримларини озгина укуви бор одам устоздан ўрганиб олса, бас. Тирикчилик деганларидек, қора декчаси қайнайди, кунни ўтади. Аммо шоир халқи бу ўлчовдан ташқарида яшайди. Шоир халқи ўлим билмайди. Унинг бу дунёдаги ҳаёти фақат рамзий мазмун касб этиши мумкин ҳолос. Шоир яратган ўзига хос гўзаллик дунёсида Вақт, Макон тушунчаси ўз қийматини йўқотади. Эҳтимол,

нидек, одам чанқаган пайтда сув ичиши керак деган гап қофияга солингани билан шеър бўлиб қолмайди. Ҳақиқий маънодаги ҳам фикрий, ҳам лисоний жозиба бўлиши керак. Тилак Жўра табиатидаги шоирлик унинг қаламига мансуб мисралар жозибасида намоён эди.

Айрим пайтларда Тилак Жўра ўзи яшаётган замондаги адолатсизликдан алам чекади. Ўзининг кескинроқ ҳаракат қила олмаётганидан ўкинади.

Shoir armoni



шунинг учун ҳам шоирликни бахт белгиси дейдилар-у, кейинидан “қисмат” деб кўшиб қўядилар. Бизга ўхшаш оддий одамнинг шоир билан ҳар бир учрашуви, у билан суҳбат қуриши олам-олам янгилик беради, бебаҳо гўзалликка ошно қилади, ижодкор иқтидори олдида чексиз ҳайрат гуйғусини уйғотади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзбек шеърятига бир гуруҳ ёшлар шахдам қадамлар билан кириб келдилар. Уларнинг ҳаммаси шуҳрат, меҳр, ҳурмат қозондилар. Аммо, менимча, Рауф Парфи, Аскар Қосим, Тилак Жўра ҳаётимиздаги мураккаб вазиятларга ойдинлик киритишда “шеър” деб аталувчи воситадан алоҳида маҳорат билан фойдаланган эдилар. Фикрнинг далили учун бир-иккита мисол келтирмоқчиман. Тилак Жўра “Озодлик” шеърисида шундай дейди:

*Қоронгу кулбада
ниш урган майса,
сомондай саргайиб, титраб,
югуриб бормоқда
васса ортидаги
туйнукка қараб...*

бундай жозибали мисралар Тилак Жўра шеърятининг моҳиятини белгилар эди. Билмадим, у юқоридаги мисраларни кашф қилганда қандай рухий изтиробларни бошидан кечирганини. Аммо уларни биринчи марта ўқиганимдаёқ юртдошларимнинг, ўнлаб йиллар давомида изтиробда ўтган ҳаётининг бадий ифодасини уққаним ҳамон ёдимда. Мен ўз шогирдларимга шеърдан “шеър”ни унда акс этган фикрдан фарқлаш кераклигини ўргатаман. Бир устозимиз айтга-

Дардини эса шундай ифодалайди:

*Мен кўксимда армонни эмас
Кўтармоғим керак исённи!*

Бутун фикрий тугўнни шеърда тасвирлаш йўлини ахтаради. Ҳақиқий шоир учун ҳам дардқаш, ҳам дўст, ҳам рақиб, ҳам сирдош бўлса, шоир ҳамма ҳасратини шеърда мужассам этади.

Тилак Жўра билан университетда доимий суҳбатдош эдик. Унинг қўллари қалби каби ўта юмшоқ эди. Кўришганингизда бир сиқим пахтани ушлагандай бўлар эдингиз. Суҳбати ҳамиша бирор янгиликни етказиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Шахсан ўзим шеърят табиатидаги сирли унсурларнинг кўпи билан ана шундай пайтларда танишганман. Тилакка ўхшаган шоирларнинг китоблари жуда қийинчилик билан нашр этилар эди. Ҳар бир сўз, ҳар бир мисра ноширларнинг “микроскоп”идан ўтиши талаб қилинар эди. 1988 йилда “Сандувоч” тўплами чиққанида, унинг хурсанд бўлганини ҳам, хафалигини ҳам аниқ билмаганман. Расман мамнулигини айтгани билан, китобнинг чиқиши осон бўлмаганини сезиш қийин эмасди. Лекин, барибир, яхшиям, шу китобни чиқарган экан, мухлислари қўлида бир мерос бўлиб қолди. Аслини олганда, тўпламнинг номланишидан тортиб, саҳифаларигача шеърлар шоирга кўп ташвишлар келтиргани маълум эди.

Дўстим, иним, ҳамкасбим Тилак Жўра ҳақидаги яна бир ибратомуз ҳолатни қоғозга туширмоқчиман. Биз умримизнинг ўнлаб йилларини талабаларга билим беришга бағишладик. Шу муносабат билан айтмоқчиманки, қайси маънода

бўлмасин, талабалар эътиборига тушган устоз ҳақида икки турли “ижод” тўкилади. Биринчидан, у талабаларнинг меҳрини қозонса, талабалар оғзаки ижодида қандайдир жанрга мансуб асар яратилади. Иккинчидан, агар у талабаларнинг қаҳрига учраса, мазмунан тесқари асар яратилади.

Мамнуният билан эслашим мумкинки, Тилак Жўранинг машғулоти, ўз шогирдлари билан муносабатлари ҳамиша самимий бўлган. Талабалар уни дардчил сатрлар битувчи шоир ва шогирдларига меҳрибон устоз сифатида севишар эди. Йўкса, унинг ҳақида гўзал кўшиқ тўқилармиди?! Пахта далаларида ойлаб совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демасдан оиламиздан олисда юрган пайтларимизда шоирнинг ижодидан баҳра олиб яратилган кўшиқ эшитганман:


*Бедазорда бедана
Бўлиб-бўлиб сайрайди.
Кайфияти чоғ бўлса,
Тилак Жўра
“Тановар”га ўйнайди*

Ўйлайманки, бу кўшиқда ижодкор талабалардан бири ўз устозига бўлган ҳурматини, меҳрини, муҳаббатини жуда гўзал ва ихчам тарзда изҳор қилиш йўлини топа олган. Умид қиламан, ажойиб инсон, беназир шоир Тилак Жўра фақат талабалар қалбига эмас, ҳамкасблари, қаламкашлари, яқин дўстлари, оила аъзолари хотирасида ҳам кўшиқдагидек файзли ҳамроҳ сифатида яшаб қолади.

Омонулла МАДАЕВ

Har bir bola e'tiborda

Ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларни тўғри йўналтириш, иқтидорларини ўстириш борасида бугун кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ана шундай лойиҳа ташаббускорларидан бири Шерзод Исломов ўз ғоялари асосида 3000000 сўмлик грантни қўлга киритди ва ушбу маблағни имконияти чекланган болаларни касбга йўналтириш ва келажакда ўз имкониятларига ишонч туйғусини шакллантиришга сарфлади.



Ушбу лойиҳа доирасида маҳорат дарслари ўтилиб, бунга 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ақли заиф болаларнинг жалб этилгани ва улар ясаган буюмларнинг қариялар уйига топширилиши мурғак қалб эгалари юрагида келажакка ишонч уйғотган бўлса, ажабмас. Лойиҳа доирасида қўл меҳнати кўргазмаси ўтказилиб, “Моҳир хунарманд” Ижтимоий Мактаб Лойиҳасининг “Тўқувчилик” йўналишида 101-махсус кар болалар мактаб-интернатининг 15 нафар ўқувчи-ёшлари ҳамда “Қовоқ буюмлари” йўналишида 87-ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 4 нафар ўқувчи-ёшлари томонидан тайёрланган маҳсулотлари тақдим этилди.



Тўқувчилик ҳамда қовоқ буюмлар йўналишларида иш олиб бораётган ушбу лойиҳага Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Кўнгиллилар Дастурининг “Ўзбекистонда Ижтимоий Инновациялар ва Кўнгиллилик” кўшма лойиҳаси ва “Ladoshki.uz” ҳамкорлик қилмоқда. Лойиҳага махсус мактаб-интернатнинг 19 нафар тарбияланувчиси жалб этилган бўлиб, маҳорат дарсларини ўтаган ўқувчиларга сертификатлар топширилди. Бу ҳақда лойиҳа муаллифи Шерзод Исломов шундай дейди:

– Лойиҳани амалга оширишда айнан имконияти чекланган болалар билан ишлаш, уларга бирор хунарни эгаллашлари учун кўмак бериш бизнинг асосий мақсадимиз. Кейинчалик қўлга киритган сертификатлари асосида улар ўз фаолиятларини давом эттиришлари мумкин.

НИЛУФАР





Винсон кўнглидаги кечинмалар инъикоси бўлган бадий асарнинг, манба моҳиятига мос равишда, турли-туман шаклу шамойилларда намоён бўлиши табиийдир. Адабиётшунослик илмида насрий жанрларнинг энг кичиги саналадиган ҳикоя жанрига кўйиладиган талаблар шаклланган бўлса-да, адабий жараёнда ҳар доим ҳам бундай қодаларга риоя этилади, дейиш қийин. Масалан, “Адабиётшунослик лугати”да ҳикояга шундай таъриф берилади: *“Ҳикоя – эпик турнинг кичик жанри. Ҳикоя, одатда, қаҳрамон ҳаётидан битта (баъзан бир-бирига узвий боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир неча) воқеани қаламга олади. Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа вақт давомида кечиши ҳикоянинг ҳажман кичик, сюжети содда, шитроқ этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай воқеа ҳам ҳикоябоп эмас. Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, муаллиф бўлиши талаб этилади, бунинг учун у ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлиши (масал, латифадаги каби) лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асосида ҳикоянавис ё шу воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради”*. Таникли ҳикоянавис Шукур Холмирзаев ижодини қузатсак, унинг кўпгина ҳикоялари, айниқса, ўтган асрнинг 90-йилларида битган асарлари юқоридаги таърифга “сиғмаслиги” аёнлашади. Бошқача айтганда, адиб адабий жанрларга анча эркин муносабатда бўлади, уларнинг чегарасини нисбий қабул қилади.

Ёзувчи бошқа жанрларда ҳам самарали ижод қилган бўлса-да, асосан, ҳикоянавис сифатида доврुक қозонди. Шукур Холмирзаевнинг ҳикоянавис саналишига унинг жаҳон ҳикоячилигини чуқур ўзлаштиргани, ҳикоя табиати борасида асосли тўхтамларга келгани ва ўз ижодида бу назарий асослардан ўринли фойдалангани ҳам сабабдир. Зотан, адиб дунёнинг етук ҳикоянавислари Жек Лондон, Робиндранат Тҳакур, Антон Чехов, Эрнест Хемингуэй, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг асарларини шунчаки ўқимайди, балки уларнинг ижодидаги етакчи белгиларга диққат қаратади, ушбу асарларни қай хусусиятлар ҳикояга айлантирган, уларнинг асоси нима, деган саволларга жавоб излайди. Шу жиҳатдан адибнинг “Ҳикоя ҳақида” деган мақоласи диққатга сазовордир. Муаллиф ушбу мақоласида ўзига кучли таъсир кўрсатган улуг ҳикоянависларнинг алоҳида кирраларини билимдонлик билан кўрсатиш баробарида ғоят долзарб муаммо – асарнинг бадийлигига путур етказувчи иллатлардан бири – ҳикояда баёнчилик масаласига ҳам тўхталиб ўтади. Маълумки, бадий асар фабуласи ҳаётнинг воқеа асосида тикланса ҳам, бу ҳаётда қандай бўлса, шундайча кўчириш керак, дегани эмас. Аксинча, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, ҳаётдан айнан кўчириш китобдан кўчиришдай гап. Асарга синч вазифасини бажарган ҳаётнинг воқеа муаллиф томонидан қайта ишланиши, сўнг бойитилган, аниқлаштирилган ва ёзувчининг ижодий принципларига мувофиқлаштирилган ҳолда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилиши лозим. Шукур Холмирзаев ёзади: *“Бир замонлар, – ҳозирги кунда ҳам баъзан, – шундай ҳикояларни ўқир эдим: бир қиз бир йиғитни севади, кейин йиғит вафосиз чиқитти, кейин қиз унинг юзига... Ёки, бир йиғит бир қизни сева туриб, эскилик сарқити йўлига қўндаланг бўлгани учун уни енга олмай, бошқача уйланипти, кейин ўша қизни кўрипти – иккиси ҳам пушаймон... Ёки, ёмон одам билан яхши одам ҳақидаги ҳикояларни айтмайсизми... Хуллас, санайверсам, адо қилолмайман”*. Дарҳақиқат, воқеани қуруқ баён қилувчи лавҳаларнинг *“ҳикоя деган нарса билан алоқаси жуда кам экан, улар шунчаки эрмак учун ёзилган ёки умуман адабиётни тушунамлик оқибатида пайдо бўлган маҳсулотлар экан”*.

“Мўъжиза бўлиб қолсин” мақоласида Шукур Холмирзаев замондош ҳикоянавислар ижодига кенг тўхталади. Айни мақолада адибнинг ҳикоя жанрига кўйиладиган талабларга муносабати, ҳикояни бошқа жанрлардан фарқлантирувчи белгиларга оид қарашлари анча ойдинлашади. Гарчи мақола аввалида адиб *“мулоҳазаларимни ҳам мутлақ объектив деб эмас, журналнинг фикри ёки қатъий хулосаси деб эмас, балки шахснинг нисбий объектив мулоҳазалари, деб қабул қиласиз”*, дея таъкидласа-да, унинг умумидабий мезонлар асосида иш кўргани фикрларининг ҳақиқатга ёвуқлигидан далолат беради. Иккинчидан, айни мулоҳазалар Шукур Холмирзаевнинг қозилик даъво қилмаслигини, ўзининг фикрлари хатодан холи бўлмаслигини эътироф этишини, қолаверса, ҳар кимнинг

Qahramonidan baland ijodkor

таъби ҳар хиллигини ҳисобга олганини кўрсатади.

Муаллиф йигирмадан ортиқ ёзувчининг 1987 йили чоп этилган ҳикоялари мисолида ўзбек ҳикоячилигининг “шаклан ва қисман мазмунан ҳам анъанавий йўлда илгариларга” ётганини, “ҳикоянависларимиз турмушга чуқурроқ шўнғий бошла” ганларини, “бир қурум адиблар тасвир имкониятларини кенгайтириш устида турли тажрибалар ҳам қилиш” аётганини ва бунинг-да “сифат ўзгаришларига олиб бориши табиий” лигини таъкидлайди. Адиб асар мазмунини бошдан-оёқ қайта сўзлаб бермайди, билъакс, таҳлил қилинаётган ҳикоянинг ютуқ ва камчиликларини аниқ мисоллар билан кўрсатади. Масалан, Жамила Эргашеванинг “Маломат” ҳикояси қаҳрамони – “ёши ўтинқираганроқ Эркиной отли қиз автобаза директори Самадни яхши кўриб қолади ва ҳалигидай “юра бошлайди”. Кунларнинг бирида маълум бўладики, директор оилани, тўртта боласи бор. Шу ўринда жиндак таажжуб қиласан: битта районда яшаб туриб, ундаги азда-базда автобазадек корхона директорининг уйланган-уйланмаганини билмаслик – галати! Бунинг устига, унга маъшуқа бўлиб юрган қизнинг билмаслиги!” Билганидан сўнг қиз “бировнинг оиласини бузиши яхшимас” деган ўйда ишдан кетиб қолади. Автобаза директори эса ўз оиласи огушида, илгари қандай яшаган бўлса, яна шундай яшаб кетаверади.

“Ё, тавба, – дейсан, – ахир у Эркинойни севарди-ку? Қани “ҳаётдан тўйиб кетган” йигитнинг нолалари?”

Демак, йигит қизни шунчаки алдаб – эрмак қилиб юрган. Қиз эса, – қиз-да, – унга ишонган!

Менга шундай туюлдики, ёш адибамиз ҳам худди қаҳрамонлари Эркинойдек ўйладилар ва Эркиной каби база директорига ишондилар. Ана шунинг учун ҳам силлик, чиройли тил билан, эҳтирос билан ёзилган ҳикоя чала бўлиб қолди: автор ҳикояни давом эттиролмади.

Хуллас, муаллиф қаҳрамонларидан БАЛАНДА туролмаган”.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги икки ўн йиллиги адабиётда ҳам ўзгаришларга, янгиланишларга бой бўлди. Ўзбек адабиётига кириб келган янги авлод адабиётни ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилашга ҳаракат қилди. Н.Отахонов, О.Отахонов, Н.Эшонкул каби ижодкорлар асарлари тасвир ўзгачалиги, объект янгилиги, идеалнинг ўзгаргани билан салафлар ижодидан фарқ қилади. Н.Отахоновнинг “Оқ бино оқшомлари” асаридаги Шукур Холмирзаев таъкидлаган қуйидаги жиҳатни ҳам айни омил билан изоҳлаш ўринлидир: “Ёзувчи Ҳафизанинг эри билан ҳам, бу ўйнаши билан ҳам кечирган интим онларини биз тасвирлашга журъат этолмайдиган бир шиддат билан кўрсатадики, адабиётнинг мана шу функцияси ҳам борлигини унутиб қўйганимизга икром бўламиз: ахир адабиёт ҳаётнинг мана шундай томонларини ҳам одоб доирасида кўрсатиши керак!”

Шукур Холмирзаев “Оқ бино оқшомлари” дан шундай кўчирма келтиради: “Ҳафизадан дугонаси сўрайди:

– Мабодо қайта бошдан бошлаганинда, кимга тегардин?

– Шариф акамга, – деди Ҳафиза ўйлаб ўтирмай.

– Унда Аваз ака-чи?

– Билмадим... – Ҳафиза тутилиб қолди.

– Ростини айтсам, тагин шундай бўларди, шекилли...”

Сўнг ўз муносабатини қуйидагича билдиради:

“О, гап бу ёқдами? Демак, ёзиғи шу?..

Уни – қисматни билар экан-да? Демак, Шарифга тегиб олиб, ширатни Аваз билан суриш тақдирини бор экан-да?”

Ана шунда қизиган миянга навбатдаги хунук гап келади: демак, Ҳафиза Шарифни ҳис билан, Авазни ҳирс билан севар экан”.

Бу “хунук” тасвир ахлоқий ва адабий қарашлари анъанавий ёндашувлар асосида шаклланган Шукур Холмирзаевга ўринсиз туюлади. Ҳолбуки, инсон жумбоғи айнан унинг кўнглида, кўнгил эса турли-туман кечинмаларга бой маъво саналади. Инсон қалби сониянинг юздан бир қисмида не-не ҳисларни кечирмайди. Бу жиҳатларни инобатга олмаслик инсонни роботмисол кўрсатишга, яъни сунъийликка сабаб бўлади. Социалистик реализм талабларига мувофиқ ёзилган аксар битикларда айнан шундай қолип – стереотиплар тўлиб-тошган, аксар қаҳрамонлар икки хил – ё фақат яхши одам ёки буткул ярамас кимса сифатида талқин қилинар, бир киши ҳам ҳислат, ҳам иллатга эгалиги унутилганди... Гарчи ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётимизга кириб келган ижодкорлар плеядаси мавжуд адабий кечимдан коникмай, асарларида кўп ўзгаришлар ясаган эса-да, айрим ўринларда, айниқса, инсоннинг ҳолини – ички оламини яширмасдан тасвирлашда шаклланган йўлдан юргандиларки, бундай ёндашув Шукур Холмирзаевнинг “Оқ бино оқшомлари” юзасидан билдирган мулоҳазаларида ҳам сезилади. Бироқ (энг муҳими ҳам шуки), улкан адиб кўзқарашларини, ижодий тўхтамларини адабий кечимга мувофиқ ривожлантириб боради. Жумладан, унинг “Булут тўсган ой” ҳикоясида йўлдан адашган аёл фожиаси ўзгача ракурсда, бор мураккаблиги билан кўрсатилади. Кўнгил манзаралари бекиёс даражада гўзал акс эттирилган асар мутолааси жараёнида инсон деган хилқатнинг сирли-номаълум кирралари ҳали ҳам бисёр экани англашилади. Зотан, ҳикояда одам табиатидаги туйғуларнинг кесишган, иллату фазилатлар зидлашган нукталари маҳорат билан, яширмай, очикчасига акс эттирилади. Шундан ҳам кўринадики, Шукур Холмирзаевнинг “Тасаввур этинг: Нуриланинг ижозати билан ҳалиги парчани олиб ташлайлик-да, ҳикояга яна бир назар солинг: нима ўзгарди? Ҳеч нарса. Қайтамга боягидек хунук хулоса дарҳол бизни тарк этди”, деган қараш вақт ўтиб ўзгаради. Зотан, “Оқ бино оқшомлари” асарида айни парча, яъни аросатдаги жувоннинг иккиланишлари асар моҳиятини очишдаги бир қалитдир; инсон жумбоғи, унинг кўнглини англаш мушкуллигини тасдиқловчи ҳолат тасвиридир.



Отабек САҒАРОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети тадқиқотчиси




Сайёра ЙЎЛДОШЕВА

1991 йилда Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани Сайхун қўрғонида туғилган.

- 2002 йилдан бери шашка билан Алишер ОРТИҚОВ устозлигида мунтазам шугулланиб келади.
- 2005 йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси;
- 2005, 2007, 2009, 2010, 2012, 2013 йилларда Осиё чемпиони;
- 2006 ва 2010 йилда Жаҳон чемпионатида бронза медали;
- 2006 йил бутунжаҳон ўсмирлар Олимпиадасида бронза медали;
- 2007 йил “Спорт устаси” унвони;
- 2011 йил “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони;
- 2011 йил “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил” эсдалик нишони;
- 2011 йил “Халқаро тоифадаги спорт устаси” унвони;
- 2013 йил “Халқаро гроссмейстер” унвонига сазовор бўлган;

Ҳозирги кунда Сайхунобод тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шашка мураббийси.



Йилнинг спорт маликаси –
Нигина АБДУРАИМОВА (Теннис)




Ўтган йил охирида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор бошқа идора ва ташкилотлар ташаббуси билан мамлакатимизда маданият, санъат, бадий ижод, журналистика ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш, бу борада салмоқли ютуқ ва муваффақиятларга эришган энг фаол ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва улар фаолиятини эътироф этиш мақсадида юртимизда илк марта “Эътироф” мукофоти таъсис этилди.


“Эътироф”нинг илк совриндорлари орасида спортчилар ва спорт устозлари ҳам бор. 2014 йилда ҳам спортчиларимиздан ғалабалар ва юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларини кутиб қоламиз.



Энг яхши спортчи –
Руслан НУРИДДИНОВ (Оғир атлетика)




Энг ёш спортчи –
Достон РЎЗИЕВ (Дзюдо)



Энг яхши спорт мураббийси –
Вячеслав ПЕРЕТЕЙКО (Дзюдо)



O'zbekim sporti



АЛВИДО, ҚУЁШИМ

Сен уфқ каби кетяпсан чўкиб,
Зулматга сингмоқда кунларим.
Тонгларим тутилар синиқиб,
Фалакнинг ишимми гамларим?!
Қайгуга беланган ҳар нарса,
Юракка санчилган бир найза.

Кристалл Шерриф

САРОБ

Қўлларимиз туташганди, юраклар эмас,
Энди қайта кўришмагай у ботир қўллар.
Қалбимизда бўлганида қандайдир бир сас —
Жоним, кесишмай қолмасди биз томон йўллар...
Қачонлардир сизни севдим бўлиб ишқда маст,
Англадимки, беҳудадир энди бу ўйлар.
Қўлларимиз туташганди, юраклар эмас
Демак, қайта учрашмагай у ботир қўллар!

Томас Нуд

ЁЛГИЗЛИК

Туновги оқишом ҳам ўзимни,
Алдадим ёлгончи ўй билан.
Сен қачон қалбимга киргандинг
Англадим...
Қай ташина дил билан?
Тош эмас эдим-ку, бу қадар,
Энг баланд осмонда турардим.
Ишонмас эдим-ку, бу хатар —
Ҳеч кимлик, ёлғизлик!..
Билардим,
Қутқара олмайди бу гамдан,
Йўқсизлик ва ёлғиз оламдан.
Ҳеч кимса,
Ҳеч бир одам
Қутқара олмайди бу гамдан!
Қандай бойлик она меҳрини
Бера олар экан айт, сотиб,
Фарзанднинг бир чимдим кулгуси
Кетмасми, тошларни эритиб!?
Биламан...
Ҳеч кимса,
Ҳеч бир одам
Қутқара олмайди бу гамдан!
Ёлғизлик ва ёлғиз оламдан!
Тинглайсиз жимгина дардимни,
Бошимда булутлар тўлади.
Шамоллар бир бўлиб дилимнинг
Устидан чақмоқдек кулади...
Эшитиб қоламан ноласин,
Келмайди биров ҳам ёнимга.
Ёрдам беролмайди ҳеч кимса —
Танҳолик сингиган жонимга!
Қутқара олмайсиз бу гамдан,
Йўқсизлик ва ёлғиз оламдан.
Ҳеч кимса,
Ҳеч бир одам
Қутқара олмайди бу гамдан,
Ёлғизлик ва ёлғиз оламдан!

Мая Анжелло

Инглиз тилидан Мадина БАХШУЛЛАЕВА таржимаси



Tinglayotganimiz qo'shiqmi?

Адабиёт – сўз санъати. Инсон қалбига сўз санъати орқалигина кириб борилади. Сўз ҳамма замонларда бирламчи восита бўлиб келган, десак муболага бўлмайди. Шу маънода, бугунги эстрада кўшиқчилигида сўз масаласи ҳақида айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчи эдик.

Бугун кўшиқчилик санъати энг кенг тарқалган, оммалашган санъат турига кириди. Масалан, ёшлар театр, кино томошасига ойда бир марта борса боради, бўлмаса йўк. Аммо кўшиқчи ҳали телевидение, ҳали радио тўлкинлари орқали, ҳали кўча-кўйда, ҳали бозорларда, хуллас, истаган жойда эшитиш мумкин. Йигит-қизларимизнинг ҳаммаси ҳам халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз кўшиқчилик санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқавий оҳанглариимизни тинглармикан? Аксарият ёшлар ғарб эстрадасининг юлдузларигина эмас, “кўча кўшиқчи”ларининг ҳам исм-шарифи, ҳаётини кечинмаларини беш қўлдай билади, аммо “Шашмақом”дан биргина куйнинг номини сўрасангиз, ер чизиб тураверади. Афсуски, миллий эстрадамизда ғарб андозаларига таклиднинг кучайиб бораётгани, айрим оммавий ахборот воситаларида битта кўшиқ куйлаб-куйламай “машхурлик” даъвосида юрган хонандаларнинг тарғиботи ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади, деб бўлмайди. Кейинги пайтда эстрада кўшиқчилигида миллийликка эътибор биров сезилади. Аммо шולי орасида курмақлари ҳам бўлганидек, аксарият ижрочиларнинг кўшиқларида Сўзнинг кадр-қиммати, аҳамияти, маъноларига беписандлик яққол сезилади.

Енгил-елпи, бир-бирига маъно жиҳатидан боғланмаган иборалар, тумтарок сўзлар асосига қурилган кўшиқлар кўпайиб кетяптики, бу ҳол ёшлар онгида кўшиқчилик ҳақида нотўғри фикр уйғотади. Иккинчидан, бадиий сўзнинг кадр-қимматини туширади. Учунчидан эса, ёшларнинг дидини, савиясини ўтмаслаштириб, фикрнинг сусайишига олиб келади. Аксарият кўшиқлар оҳанги бир хилки, янгилек мутлақо сезилмайди. Ижрода ҳам, мусиқаларда ҳам, сўзларда ҳам ҳаваскорлик даражаси яққол кўзга ташланади. Бу эса тингловчиларда ҳақиқий профессионал санъатни

ҳаваскорликдан ажрата билмасликка олиб келади. Ҳаваскор бастакорлар бўлса айрим истезододи бор хонандаларни ҳам чалғитиб, бир хил оҳанглари уларга тақдим этиб келишдан тортинишмаяпти. Агар хонанда интеллектуал салоҳиятга эга бўлса, билими, савияси, дунёқараши кенг бўлса, бу унинг куйлаётган кўшиқларида кўзга ташланиб туради.

Яхши кўшиққа ҳеч қандай бежама қилиқлар, бемаъни клиплар ҳам шарт эмас. У қулоқ билан тингланади, қалбга етиб боради. Қалб эса кўшиқдан ҳузур ва оройиш олади. Бунинг кўнгли ва руҳ тарбияси дейдилар. Буюк юнон файласуфи Арастуниг шундай сўзи бор: “Ҳаддан ташқари жимжимадор услуб феъл-атворни ҳам, хатто фикрни ҳам бўшаштиради”. Кўшиқчилик санъатини енгил-елпиликка, масхарабозликка айлантираётган баъзи ижрочиларнинг кўп минг сонли томошабинлар ҳузурига чиқиб кўшиқ куйлашларига маънавий ҳақлари бормикан, деган савол кишини қийнайди. Ахир, сахнага чиқиш учун ҳам маънавий ҳуқуқ керак.

Сахнага чиқаётган ҳар бир кўшиқчи “мен нимани куйлаяпман”, деган саволни ўз-ўзига бериши керак. Ҳар қандай кўшиқда ҳам бирон бир гоё, маслак бўлиши зарур. У инсонни фикрлашга ўргатиши, ёшларда ватанпарварлик руҳини уйғотиши ёхуд кишининг эртанги кунига ишончини орттириши, яшашга иштиёқ, завқ улаша билиш каби вазифаларни адо этмоғи даркор. Бу санъатнинг муҳим вазифаси. Аммо бундай масъулиятли вазифани кўпгина хонандалар қалбан хис этишмайди. Бу эса уларда мушоҳаданинг етишмаслиги, адабиётдан йироқлик, билим ва тафаккур етарли эмаслигидан далолатдир.

Сахнада либосларни кўз-кўз қилиш, бачкана қилиқлар, тумтарок ва мужмал сўзлар... Ахир сахна масхарабозлик, майнавозчилик қиладиган жой эмас. Машхур бўламан деб бемаъни кўшиқлар тухфа этаётган ижрочилар энг асосий масалани ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бу ёшлар қалбига салбий иллатларнинг кучайишига олиб келадиган оқибатлардир. Таассуфки, бунинг ўзлари ҳам тушуниб етмайдилар чоғи. Бу тушунчаларни эса ҳар бир сахнага чиқаётган хонанда онгли равишда билиши жоиз. Сўзнинг салмоғини билмай, унга кўр-кўрона ёндашиш, яланғоч муҳаббат изҳорини ифодалаш, сахнада бачкана қилиқлар қилиш бизнинг шарқона удумларимизга, руҳиятимизга ёт, бегона.

Андиша, шарм-ҳаё, ибо, нафосат каби азалий қадриятлар мавжудлигини, нахотки, айрим кўшиқчиларимиз унутаёзган бўлишса? Дуч келган сўзни кориштириб, кўшиқ қилиб куйлаш, биринчи галда, она тилимизга беписанд муносабат бўлса, иккинчидан, сахна мезонларига ҳам тўғри келмайди. Минг афсуски, бизнинг фарзандларимиз шундай кўшиқлар таъсирида улғайишяпти. Шу ўринда, Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарига фикрларини келтиришни лозим деб биламиз: “...агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи тумтарок оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас”.

Бундай ибратомуз сўзлар ҳар биримизни нафақат хушёрликка чорлаши, балки ёшлар маънавиятини юксалтиришга ўз ҳиссамизни қўшишга, оммавий ахборот воситалари орқали ўз фикр-мулоҳазаларимизни, муносабатимизни билдиришга ундайди.

Матлуба МАҲКАМОВА



ARASTU

Арасту Фракиянинг Стагира шаҳрида милоддан аввалги 384 йилда туғилган. Шу боисдан, уни Стагирит деб ҳам аташади. Арасту 62 йил умр кўради. Форобий, Беруний, Ибн Сино сингари олимларимиз Арастуни ўз устозлари деб билганлар. Унинг илмий меросини ҳозиргача жаҳондаги барча улугъ файласуфлар, адабиётшунос, санъатшунослар фалсафий-эстетик тафаккур хазинасининг қимматли бойлиги сифатида ардоқлайдилар.

Арасту Македония шоҳи Эминта III нинг ўғли Филипп II билан дўст бўлган. У эрамиздан аввалги 340 йили, 42 ёшида дўсти Филиппнинг 13 ёшли ўғли Александрга мураббийлик қила бошлаган. Шу тарика, ўз феълида

пайдо бўлган мағрурлик туфайли жуда кибрланиб кетиб, Низомий Ганжавий “Хамса” асарида ёзишича, у Афлотун (Платон)нинг шогирди эканлигини унутиб, ўзини биринчи устоз, деб эълон қилган ва бошқаларни писанд қилмай қўйган экан. Бундан дили бироз ранжиган Афлотун шогирди Арастуга гўзал бир сабоқ беради. У ғоят нафис, нозик оҳанглар чиқарувчи руд чолғу асбобини ихтиро қилади. Устоз бу сазни чалганида бутун борлик, табиат, ҳайвонлар ва қушлар сеҳрланиб, ухлаб қоладилар. Афлотун куй оҳанглари ўзгартирганида – яна барча мавжудотлар уйғониб, хушига келади.

Арасту ҳам руднинг бошқа бир

хилини ихтиро қилади. Бу чолғуни чалганида барча гуллар, ҳайвонлару қушлар ухлаб қолишади. Аммо чолғуни қанчалик маҳорат билан чалмасин, ухлаганлар уйғонмайди. Табиатни ухлатишга кучи етган Арасту, уларни уйғотишга кучи етмаганидан халқ олдида уялибди. Унда пайдо бўлган кибру ҳаво йўқолиб, устози қошига бориб, узр сўрабди. Устоз шогирдидан хафа бўлмай, унга соз санъатининг энг нозик сирларини ўргатибди...

Арастунинг “Поэтика” асари кенг маънода, санъат назарияси демакдир. Бу шундай асарки, ҳар гал ўқилганда, нимадир бир янгилик кашф қилинади.

Қадим даврларданок санъат

Тарихий шахслар ҳаёти ва ижодига бағишланган спектакллар орасида “Нодирабегим” мусикали драмаса алоҳида ўрин тутди. 1980 йили режиссёр Баходир Йўлдошев мазкур драма асосида томошабоп спектакл яратишга мушарраф бўлди. У дастлаб 400 саҳифадан иборат пьесани ҳажман қисқартирди ва асарни бадий мазмунига путур етказмаган ҳолда саҳна тилига ўгирди. Спектаклда воқеалар тезлигини ошириш ва конфликтни кучайтириш мақсадида, баъзи саҳна кўринишларининг ўрни алмашган бўлса, айримларидан тамоман воз кечилган.

Иккинчи кўриниш тўғридан-тўғри Ҳаққули ва Мадалихон суҳбати билан бошланади. Маълумки, пьесадаги ушбу саҳнада ҳам Ҳаққули ва Мадалихон пайдо бўлади. Театршунос М.Қодиров қайд этганидек, бу ерда такрорий саҳна воқеалари, символик образлар қайтариғидан воз кечилган.

Учинчи кўриниш эса Нодирабегим ва Увайсийларнинг Мадалихоннинг кўзини очиш, уни хавфли йўлдан қайтаришга қаратилган баҳсидан бошланади. Бу каби ижодий ўзгаришлар спектаклнинг бадий ғоясига салбий таъсир кўрсатмаган, албатта. Бироқ закий театршунослар М.Раҳмонов ва Т.Турсуновлар ўз вақтида спектаклнинг айрим камчиликларини санаб ўтишган. Жумладан, Нодирабегим ва амир Насрулло тўқнашуви саҳнасида шох сифатида Насрулло, адолатталаб сифатида Нодира ҳақ бўлиб чиқади. Бироқ бундан қатъи назар, Насрулло ўзини ғолиб ҳис этади. Нодира мағлуб бўлгандай бир ҳолатда чиқиб кетади. Театршунос М.Қодиров: “Шу жойда пьеса ва

спектаклнинг кулминацион нуқтасида маънавий жиҳатдан Нодиранинг устун келиши зарур”, – дея таъкидлайди.

1992 йилда Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театрида ушбу асарнинг мусикали драмаса яратилди. “Нодирабегим” мусикали драмасада (режиссёр Б.Йўлдошев, дирижёр Н.Халилов, рассом Г.Брим, балетмейстер Қ.Мўминов) шоиранинг зиддиятлар билан тўла ҳаёти сўнгги дамлари, турли фитна-найранглар боис қўлдан кетган бошқарув, ноҳақлик ва “замона зулмидан дод” солган адаб аҳлининг ҳаёти тарихий воқеалар орқали бадий акс эттирилган.

Спектакл воқеалари Бухоро амири Насрулло (Р.Маъдиев)нинг тожу тахт учун бўлган кураши натижасида кескин ривожланиб боради. Шоиранинг одилонга сиёсат юритиш баробарида тинчлик тарафдори бўлиб қилган ишлари, айни пайтда кучли ирода ва жасорати Насруллонинг ғазабини келтириб унга қарши жанг эълон қилишга сабаб бўлади. У аввал Нодирани маънан ва оқибат жисман ҳалок этиш йўлида ёлғон, риё, хиёнат, фитна йўлини танлайди.

Нодира – ожиза бўлган бир ҳолатда иродаси мустаҳкам, қалби пок, элпарвар сифатида гавдаланади. У ҳокимиятни зўровонлик йўлида эмас халқни маърифатга чорлаш учун хизмат эттиради. Шу боис, у ўлимни ҳам мардонавор қабул қилади.

Спектаклда масхарабозлар ҳам гоҳ у, гоҳ бу қахрамон ички кечинмалари ва психологик ҳолатларини ифода этиб ўзига хос вазифани адо этишган.

Нодира хошликни амир Насрулло босқинидан омонда

турлари ҳақидаги илмий-назарий фикрлар шакллана бошлаб, алломалар санъатнинг ва хусусан, адабиётнинг хоссаларини англашга ҳаракат қила бошлаганлар. Илк бор бу масала милоддан аввалги IV асрда яшаб ижод қилган буюк файласуф Афлотун “диалогларида” тилга олинади. Кейинчалик файласуф ва нотик Ҳоргий санъатларнинг яратилиши, турлари, рангтасвир, хайкалтарошлик, нотиклик тамойиллари ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтган. Унинг: “Санъат одамларни бошқа хунарлардан кўра кўпроқ ишонтиради. Санъат мажбурлаш орқали эмас, балки ихтиёрий равишда ҳаммани ўз кулига айлантиради”, деган ҳикмати ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган.

Чунончи, Арастунинг “Поэтика” асари нафис санъатлар назарияси бўйича биринчи улкан илмий асар ҳисобланади. Таниқли олим Нажмиддин Комилов таъбирича:

“Арасту барча нафис санъат турларини поэзия деб атаган ва унинг драма, эпос, лирика каби турлари, кўринишларини тушунтирган. Поэзия

асосида ҳаёт туради – шоир бўлиб ўтган, бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларни акс эттиради. Шоир ҳодисаларнинг ўхшашини ижод этади ёки уларни қайтадан гавдалантиради. Арасту поэтик санъатнинг ижтимоий-маърифий моҳиятини тўғри англади. У поэзия санъатини эстетик-эмоционал кучини кадрлади”.

Арасту одамларга хос бўлган тақлидни бадий ижоднинг асоси деб ҳисоблади. Одамларнинг ҳаракати поэзиянинг тасвир объекти бўлиб, бунда санъаткор ҳақиқатда бўлган воқеани эмас, балки бўлиши мумкин бўлган воқеани тасвирлаши кераклиги айтилади.

Арасту фикрича, “билиб қолиш” таянч ҳолат ҳисобланади, уни драматик фабула ривожда катта рол ўйновчи тасодифий ҳолатлар рўй бериши чоғида вужудга келадиган ҳаракатлар ривождаги алоҳида ўзгаришлар сифатида баҳолайди. Арасту “Поэтика” асарида, шоир ўз ижодида энг яхши натижаларга қандай усуллар билан эришиши ҳақида ҳам

гапираркан: “Шоир рассомга ўхшаб тақлидчи экан, куйидаги уч ҳолатдан бирига тақлид қилиши, яъни ё у ҳодисаларни қандай бўлса, шундай ёки улар ҳақида нима дейилаётгани ва ўйланаётгандек ёхуд улар қандай бўлиши лозимлиги ҳақида тасаввур юритиши лозим бўлади”, – дейди.

Сюжет, композиция, характерлар ривождаги ички бирлиги талаби, Арастунинг фикрича, драма поэтикасидаги бош масала ҳисобланади. Ҳаракат бирлиги драманинг ички яхлитлиги, ундаги ривожланиш изчиллигига ҳалақит берадиган барча жиҳатларни бартараф этишдан иборат бўлади.

Арастунинг “Поэтика” асари ниҳоятда қимматли назарий қондалар тақдим этди ва драма назарияси соҳасида истиқболда самарали тадқиқотлар олиб боришга кенг йўл очди.

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

Nodirabegim



саклаш, халқни жангу жадал ва талофатдан қутқариш йўлида қайғуради. Бироқ саройда аллақачон илдиз отиб, ҳукм суриб турган хиёнат, боз устига фитна-найранглр гирдобидаги ўғли Мадалихон Нодирага панд беради.

Тарихдан маълумки, Нодира хонликни бошқаришда амир Умархонга ҳамдам бўлиб келган. Умархон вафотидан сўнг эса Кўкон хонлигини бошқариш ёш ўғли ва Нодиранинг зиммасида қолади. Нодира шундай ночор вазиятда Умархон руҳидан мадад сўраб ёлборади. Композитор бош қаҳрамоннинг ушбу ҳолатини “Тушимда кўрсам эди” ариясида маҳорат билан ифода эта олган. Ариянинг авж нуқтасида усул кескин ўзгариб, сахнада амир Умархон фаришталар тимсолидаги кизлар даврасида намоён бўлади. Шу ўринда Нодирага руҳий мадад бўлиб кўринган Умархоннинг мусиқий тавсифи халқимиз орасида машҳур “Чорзарб” ашуласининг хор томонидан ижро этилиши билан ифодаланган.

Бундан ташқари, “Қолмади” (Хонпошша) ва “Доғ ўлди” (Қора Мирза) арияларида айни Фарғона-Тошкент маҳаллий услубига хос катта ашула ижро йўлларида ижодий фойдаланилган.

Сўнгги йилларда композиторларнинг ижодида юзага келган бу каби маълум услубий ёндашувлар сахна асарининг драматургик ғоясини очиб беришда муҳим услубий асос бўлаётганлиги ушбу спектакл мисолида намоён бўлди. Айниқса, миллий мусиқий мерос намуналарининг сахнавий кесимда кузатилаётган янгича бадий талқинлари негизида мусиқали драматургиянинг истиқболи юзага келаётганлиги эътирофга сазовордир.

Улуғбек ҲАЙДАРОВ,
Ўз РФА Санъатишунослик
институтини тадқиқотчиси



Sirk ta Timotida 1Tk Qadamlar



Халқимизнинг байрам, сайиллари, тўй-тантаналари масхарабозлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар билан янада файзли ўтади.

1932 йилда Тошкентда Ўзбек Давлат мусика, эстрада ва цирк корхоналари бирлашмаси ташкил этилиб, унинг таркибига республикамизда фаолият кўрсатаётган барча концерт ва цирк корхоналари киритилди. Унинг зиммасига ижодий жамоалар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бадий жиҳатдан етук сахна асарларини яратиш вазифаси юклатилди. Бирлашманинг ташкил этилиши цирк иши янги поғонага кўтарилишига сабаб бўлди.

Дастлабки кунларданок миллий кадрлар тайёрлашни устувор вазифалардан деб белгиланган бирлашма масалага жиддий ёндашиб иш бошлади. Чунки ёш ижрочиларни тайёрлаш, янги цирк томошаларини яратиш масалаларини ечмай туриб, цирк репертуарини юксак бадий даражага кўтариш мумкин эмас эди.

Устоз-шогирд аънаналарига асосланган аънавий услубда катта ижодий тажрибага эга бўлган усталар ёш кизиқувчиларни шогирдликка олиб, уларга миллий цирк жанрларини ўргатиб келишган. Бўлажак артистлар бир неча йил давомида муаллақчилик ўйинлари, чиғирқда бажариладиган гимнастика машқлари, ёғочоқда туриб рақсга тушиш, кўза, лаган, пиёла каби турли хил сопол идишлар билан жанглёрлик ўйинларини намойиш этиш, дорда юришни ўрганиб келишган. Шунингдек, улар масхарабозлик ва қизиқчилик санъатини ўзлаштиришган ҳамда миллий мусика асбобларини чалишган.

“Устоз-шогирд” аънаналари миллий цирк санъатида ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Тажрибаларга кўра, устоз тарбиясини олган артист юксак профессионал маҳоратга эга бўлиб, турли жанрларни бемалол кўрсатиб бера оладиган ижрочи сифатида шаклланади. Ўзбек циркининг машҳур усталари: Тошкенбой Эгамбердиев, Муҳаммад Хўжаев, Карим Зарипов, Ҳотам Мадалиев, Раҳмон Абдухалиловлар айнан шу йўналишда шогирдларни тайёрлашган.

Цирк кадрларини замонавий усулда тайёрлаш 1933 йилда ташкил этилган махсус ўқув муассаса – цирк билим юртида амалга ошириладиган бўлди.

Табийки, мазкур билим юртининг очилишига зарурият катта бўлган. Ўша йилларда Марказий Осиёдаги бешта республика ҳудудида йигирмадан ортиқ цирклар

фаолият кўрсатиб келган. Уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш учун цирк дастурларини мунтазам равишда турли жанрдаги кизиқарли ва ранг-баранг номерлар билан янгилаш керак эди. Шу мақсадни кўзлаб, цирк билим юртини очиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Янги билим юртига Тошкентда ижод қилаётган ва катта тажрибага эга бўлган бир қатор ўзбек ва рус артистлари жалб этилди. Хусусан, машҳур қизиқчи ва акробат, чавандозлар сулоласининг асосчиси Карим Зарипов мазкур ўқув даргоҳи ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Билим юртига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинган. Танловда уларнинг ташқи кўриниши, қадди-қомати, жисмоний бақувватлигига ҳам катта эътибор берилган. Машғулотлар акробатика, хаво гимнастикаси, эквилибристика ва жанглёрлик бўйича ўқув дастурлари асосида олиб борилган.

“Устоз-шогирд” мактабида асосий эътибор якка ижрочини тайёрлашга қаратилган бўлса, билим юртида цирк репертуари учун зарур бўлган икки кишилик ва гуруҳли номерлар ҳам сахналаштирилган.

Шунингдек, цирк дастурларида мавжуд бўлган номерлар бу ерда қайта сахналаштирилиб, уларнинг таркибига янги ижрочилар киритилган, янги мураккаб трюклар машқ қилинган.

Цирк билим юртининг ташкил этилиши миллий цирк санъати мактаби яратилишига, ижодий жамоаларга янги ижрочиларни жалб этишга, цирк томошалари бадий савияси ошишига салмоқли ҳисса қўшди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўша даврда Тошкент цирк билим юрти Марказий Осиёда соҳанинг ягона ўқув муассасаси бўлган. У барча қўшни республикалардаги циркларни турли жанр артистлари билан таъминлаб, цирк санъатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган.

Цирк билим юрти асос солган аънаналарни ҳозирги кунда Республика эстрада-цирк коллежи муносиб тарзда давом эттириб келмоқда. Унинг битирувчилари нуфузли халқаро цирк фестиваллари ва кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.


*Пўлат ТОШКЕНБОЕВ,
санъатшунослик фанлари номзоди*

Кўпчилик ота-оналар турли ёшдаги фарзандларининг ўзига хос зарарли одатларидан шикоят қилишади. Бундай одатларни эса аксарият болалар каттарок ёшда ҳам тарк этишмайди. Масалан, лабини қимтийд, бармоғини сўради, тирноғини кемиради, кўзини пирпиратади...

Одатда бу каби "юмуш"ни бажараётган бола ўз ҳаёти учун зарур ҳисоблайдиган – уни тинчлантирадиган, бўшаштирадиган, қониқиш пайдо қиладиган муҳим маълумотларни олаётган бўлади. Унда бундай одатларнинг пайдо бўлишига асосан оиладаги болани қониқтирмайдиган омиллар (ота-она орасидаги жанжаллар, болага нисбатан бўладиган ортиқча талабчанлик ва шунга ўхшаш ҳолатлар) ёки жамоатдаги (болалар боғчасида, мактабда) рухий таассурот ва бошқалар сабаб бўлади. Айнан шундай ҳолатларда зарарли одат асабийликни енгил воситасига айланиб қолади.

Одатда, ота-онанинг кам эркалашлари кичкинтойда асабийликни юзага чиқаради. Баъзи ҳолларда ота-онанинг болага нисбатан ҳаддан ташқари эътиборли бўлиши ёки аксинча, болага ортиқча танбех бериши натижасида боланинг ўзига ишончи камаяди. Бунда ҳам ўзига хос нажот — зарарли одат. Бахтга қарши, кўпчилик ота-оналар болаларидаги одатни сезишлари билан уларни бу йўлдан қайтаришга уринадилар. Демакки, яна таъқиққа "юзлани"лади. Бола эса ота ва онасига ёқишга ҳаракат қилгани ҳолда ўз ортиқча одатидан воз кеча олмайди. Натижада бир-бирига уланиб кетувчи жараён бошланади. Яъни бола ота-онасига яхши кўриниш учун зарарли одатини яшира бошлайди. Аслида эса у аввалгидек ўз кечинмалари ва асабийликдан қутулиш йўлини кидиради ва бармоғини сўриш ўрнига тирноғини тишлашга ўтади ёки тирноғини тишлашни тарк этиб, сочини бураб ўйнашга ўтади. Бундай ҳолларда тирноғингни тишлама, бармоғингни сўрма, сингари огоҳлантиришлар ўрнига бугун боғчангда нима килдинг, мактабда нима ўргандинг, ўртоғининг исми нима сингари саволларни сўраб, безовталиқни тарқатиш керак. Бунда эса ота-онанинг сабр-тоқат талаб қилинади.

BOLA NEGA TIRNOG'INI TISHLAYDI?



Дастлаб, боланинг нимадан таъсирланаётганини аниқлаш керак бўлади. Унинг муаммоси моҳиятига етиб, уни ҳал қилиш учун мукамал чора ишлаб чиқиш керак. Масалан, бола киришувчан эмас, ўртоқлари билан тезда чиқишиб кета олмайди. Бу ҳолда унда дўст орттириш ва ўртоқлашиш ҳақидаги кўникмаларни пайдо қилиш керак. Унинг асл қизиқишларини ҳам ҳисобга олган ҳолда дўстлари кўп бўладиган спорт ёки санъат тўғрисида олиб бориш керак. Бола янги шароитда мураккаб дўстлаша олиш қобилиятини ўзида синаб кўради.

Шунингдек, болага асабий зикликдан чиқишнинг бошқа йўллари ўргата бориш керак. Масалан, бармоғини сўра бошласа, пиширик билан сийлаш керак. Ёки ўзи ёқтирадиган ўйинчоғини бериб қўйиш керак. Яхшиси, қалам-қоғоз бериб, бирор нима чизиб беришини сўраш ёки пластилиндан нарса ясашни ўргатиш керак.

Ёши каттарок боладан кун давомидаги бўлган воқеаларни батафсил суриштириш лозим. Бирок бунда саволларни унинг ҳамиятига тегмайдиган тарзда бериш назарда тутилгани маъқул.

Мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиш ёки серхаракат ўйинлар ҳам зарарли одатлардан қутулишга ёрдам беради. Асосийси – болани уришмаслик ва қўрқитмаслик. Зарарли одатни оиланинг турмуш тарзи, бир қисми деб қараб, бу муаммони бола руҳиятига зарар етмайдиган йўл билан ҳал қилишга киришинг.

Болада ўзига нисбатан ҳурмат уйғотишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун уни ҳар бир, ҳатто кичик муваффақияти учун мактанг. Фарзандингизга эътиборли бўлган ҳолда, жонли мулоқот тарзида у билан ўз хиссиётларингизни ўртоқлашинг ва бу кечинмаларнинг муҳимлигини сингдиришга ҳаракат қилинг.

Болалар ҳаётларида пайдо бўлган қийинчиликларни ўзлари ҳал қила олмайдилар. Уларда бу муаммолар сабабли кўрқув пайдо бўлиши, уйку ёмонлашиши, энурез касаллиги, бармоқни сўриш каби одатлар пайдо бўлиши мумкин. Болаларни бундай одатлардан асосан ота-оналар халос қила оладилар. Бунда шунчаки бола билан дўстлашиш кифоя. Катта ва кичик деган чегарани олиб ташлаб, у билан ёқтирган ўйинни бирга ўйнаш ёки катталарнинг ишига жалб қилиш болада ўзига ишончни орттиради. Шунингдек, бу борада сабр-тоқат, тушунишга интилиш муҳимлигини унутманг.

МАНЗУРА тайёрлади



Ijod erkinligi olami

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолғуси яхши ному иши.

Саъдий

Маълумки, одамзот яшаб келаётган бутун тарихий давр мобайнида фан, адабиёт, санъат асарлари асрлар, замонлар оша инсон маънавий онгу тафаккурининг таянч устунларидан бири бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлатимиз сиёсатида фуқаролик жамиятини барпо этишнинг зарурий шарти сифатида айнан шахснинг эзгу мақсадларига йўналтирилган ижодий тафаккур, интеллектуал салоҳият масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асаридан: “Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар”, деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, инсон меҳнатининг самаралари орасида ижодий бойлик яратиш, ҳар бир халқ, мамлакат тараққиёти учун ниҳоятда муҳимдир.

Бинобарин, қадимий Мовароуннаҳр ҳам сарҳадларининг кенглиги билан эмас, дунёни ҳайратга солган аждодларимиз заковати билан буюклик тожини кийганки, бундан ҳар қанча фахр этсак арзийди. Афсонавий Шарк тимсоли бўлмиш Хива, Самарқанд, Бухоро, Кўкон, Шахрисабз каби шаҳарлар, ҳозирда ҳам ўз кадр-қимматини йўқотмаган меъморий бойликларимиз тўғрисида – ғурур ва ифтихор билан шундай фикрларни айтиш мумкин.

Шу билан бирга, ҳар қандай давлатнинг юзи, нуфузи, обрў-эътибори унинг Конституциясидир. Зеро, унда халқ ҳукуки, иродаси, тафаккури, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти акс этади. Ўзбекистон Конституциясининг 42-моддасида “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳукуки

Инсон учун энг буюк неъматлардан бири унинг соғлиғидир. Инсон ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлсагина унинг давомчилари етук бўлиб ўсиб-улғаяди, камолга етади. Бугунги кунда ёшларимизга берилётган эътибор, уларга яратилаётган шароит, имкониятлар доираси жудаям кенг. Истеъдодли ёшларимизнинг ўз соҳаси, қизиқиши бўйича бу имкониятлардан самарали фойдаланиб, нафақат турли кўриктанлов, балки жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ҳам юксак натижаларни қўлга киритишга тикликлари қувонарли ҳол. Бу албатта, ёш авлод тарбиясидаги ютуқларимиз белгисидир.

Юртимизда янги замонавий техник ўқув жиҳозларига эга бўлган турли йўналишдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларининг қурилиши, шунингдек, спорт мажмуалари, айниқса, “Спорт майдонлари ҳар бир маҳаллада” акциясининг ташкил этилиши кишини қувонтиради.



Инсон ўз фарзандининг камоли учун барча эзгу ишга қодир. 2014 йилнинг юртбошимиз томонидан “Соғлом бола” йили деб эълон қилиниши ҳам эртанги ёруғ кунимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Бу эътибор, бу каби ғамхўрлик юртимизда қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу ўринда, Конституциямизда бошқа давлат конституцияларидан фарқли равишда оила учун алоҳида боб ажратилганлигини яна бир бор фахр билан эътироф этиш мумкин. Бу эса ўзбек халқи учун оиласи ва фарзандлари тинчлиги ва уларнинг соғлиги юқори эканлигининг яна бир далилидир.

Соғлом фарзанд соғлом ота-онадан дунёга келади. Бунда ота-онанинг нафақат жисмонан, балки маънан етук, баркамол бўлмоғи тақозо этилади. Шундагина фарзандлар ҳам баркамол бўлиб вояга етади. Инсоннинг энг катта бахти ҳам фарзандлари соғлиги, бахти, камолдир.

“Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарғ”, дея Президентимиз бежиз таъкидламаганлар. Зеро, юртимиз келажаги ёшларимиз қўлида.

Рушона НЕЪМАТУЛЛАЕВА



кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”, дейилади. Ушбу мезон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 27-моддасига ҳамоҳангдир. Унга кўра, ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Инсон руҳи ақл-идроки билан ҳис-туйғунинг муштараклигидан иборат. Ақл-идрок ва ҳис-туйғу ижоднинг икки қаноти. Бу қанотлар доим бир-бирига таяниб, парвоз қилади. Қанотларнинг бири бўлмаса, иккинчиси парвозга ярамайди. Ушбу ҳар икки қанотнинг яхлитлиги эса чинакам санъат асарини яратишга олиб келади. Айни пайтда, инсонга хос бўлган тафаккур қилиш фазилати жараёнида ижодий фаолият юзага келади. Шу жиҳатдан ижодий меҳнат самараси моддий эмас, балки маънавий объект ҳисобланади. Шу тарика ижод асосан бадиий, илмий асар ва номоддий бойлик, ижодий маҳсулот каби маъноларда тушунилади. Файласуфлар эса ижодни “объектив оламнинг субъектив образи”, дея таърифлашади.

Бизнингча, ижод ижодкорнинг нафакат ҳис-туйғу, фикр-мушоҳада ва тасавурлари маҳсули, балки ҳаётий тажриба, атроф-муҳит, замон ва маконнинг бадиий инъикосидир. Ўз навбатида, ижодий тафаккур фалсафий-ижтимоий нуктаи назардан инсоннинг ақли идрок эта олмайдиган, фақат қалби ҳис қиладиган олам-олам маънони жо этувчи сеҳр борлиги билан ҳам алоҳида қимматга эга. Бунга она алласи ёркин мисол бўла олади. Боланинг қалби, гарчи мурғаккина бўлса ҳам, ором берувчи кўшиқ сеҳрини ҳис эта олади.

Рассом бўёқлар воситасида яратган асарида образлар

характерлари билан чекланмасдан, ўз қалби ва ички кечинмалари заминида туғилган ижтимоий маънони ҳам ифодалайди. Хусусан, Жавлон Умарбеков “Мен инсонман” картинасида ҳаётнинг абадий чархпалагидаги барча тирик мавжудот билан ҳамнафасликда одам боласининг қалб олижаноблиги, ақли ва заковати, маънавий баркамоллиги идеалларини химоя эта туриб, ўтмиш ва ҳозирги замонни бирлаштирувчи кўприк – гуманизм эканлигини тасвирий образларда ифодалайди.

Айни пайтда, ижод жараёни ўз моҳият эътибори билан эркин характерига эга. Ҳар бир ижодкор хоҳишига қараб, субъектив тафаккур заруриятини амалга ошириш асносида эркин ижод қилишга ҳақлидир.

Демак, ижод дурдоналари ҳам бир миллатни жаҳонга машҳур этувчи ўзига хос ойнадир. Шу нуктаи назардан “Авесто”, “Алпомиш” сингари асарларимизнинг муборак саналари халқаро микёсда кенг нишонлангани бежиз эмас. Ўз навбатида, халқ оғзаки ижоди бешикларидан бири Бойсун фольклори, мумтоз мусикамизнинг нодир хазинаси бўлмиш “Шашмақом” инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари сифатида доимий рўйхатдан “Қатта ашула”га жо бўлган дилбар кўшиқлар ҳамда қадимий Наврўз байрамимиз ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросига доир фахрий рўйхатидан жой олгани қалбларимизни ифтихорга тўлдирлади.

Нафиса АҲМЕДОВА,

*Қамолитдин Беҳзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси*



BOLAJONLAR KULGUSI

"МЕДЕЯ"



talabalar talqinida

Жаҳон ва ўзбек драматургияси дурдоналари ҳозирги кунгача ўзининг бадиийлиги, ғоявийлиги ҳамда инсон тақдирини улуғловчи фикрлари билан ўқувчиларга руҳий ва маънавий таъсирини ўтказиб келмоқда. Ана шу жиҳати билан ҳам бундай асарлар қимматли. Қадимият драматургиясининг буюк вакилларида бири саналаган Еврипиднинг "Медея" асари ҳам шундай нодир асарлардан бири эканлигининг исботини яна бир бор Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Актёрлик санъати" таълим йўналиши талабалари томонидан ўйналган диплом спектакли мисолида кўрдик.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Азизов ҳамда доцент Замира Аҳмедовалар раҳбарлик қилаётган "Драматик театр ва кино актёрлиги" бўлими талабалари томонидан саҳналаштирилган диплом спектаклининг, аввало, актёрлик санъати психотехникасини шакллантириш, уни ривожлантириш ҳамда актёрлик санъати мактаби талабларини ўзлаштиришга қаратилганлиги ҳам қувонарлидир. Диплом спектаклида ҳар бир талаба-актёр томонидан ижро қилинаётган қаҳрамонга ички дунёси, руҳий-жисмоний ҳаракатларининг миллийлигимизга эшлиги

нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилган. Ижро тўғри мақсад сари йўналтирилганлиги талаба-актёрлар хатти-ҳаракатида кўринади.

Спектакл бош қаҳрамони – Медея севгисини деб ўз она ватанини ташлаб келган, ота-онасидан, укасидан,


ор-номуси, обрў-эътиборидан айрилган аёл. Медеянинг изтиробларини, дардини, унинг руҳий кечинмаларини очишда талаба-актрисалар турли ёндашувларга таянишди. Улар Медея ролининг мураккаблигига қарамасдан имконият даражаси ҳамда дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ишлашди. Оиласидан кечиб, мол-дунё, амал, обрў ва шуҳрат кетидан қувиб, Креонтнинг кизига уйланиб, подшо бўлмоқ умидида бўлган эри Ясонга муносабатини таъсирли ифода этишди. Медеянинг ўз бахтидан айрилгани бир бахтсизлик бўлса, юртда орият, лафз, инсоф-диёнат қолмаганлиги улкан қайғу эканлиги уларнинг ижросида намоён бўлади. Унинг буюк мухабати улкан нафратга айланган.

Спектаклнинг ғоявий ечимида педагог-режиссёрлар саҳна киёфасини яратиш санъатидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Масалан, спектаклнинг бошидаги воқеалар тинчлик, поклик рамзи бўлган оқ рангли матолар орқали ифодаланади. Бу билан Медеянинг тинч ва бахтли онлари ҳақида фикр юритилади. Воқеалар ривожидан бу оқ матонинг қорага айланиши Медеянинг бошига тушган қора кунлардан дарак беради. Бу билан юртдаги ориятсизлик ва вафосизликлар, инсоф-диёнатнинг йўқолиб кетаётганидан ҳам воқиф бўлиш мумкин. Спектаклнинг марказий воқеасига келиб, қоранинг қизил рангга киришини буюк қалб эгасининг қонли ишга қўл уриши деб тушуниш мумкин. Медея (Юлдуз Ражабова ҳамда Феруза Қоравалар)нинг матоларни тўқиши рамзий топилмадир. Бу диплом спектаклининг ютуқларидан бири.

Спектакл давомида бахтдан бахтсизликка йўл олган инсон тақдирини кўришимиз мумкин. Спектакл ўз болаларини ўлдирган Медея ҳақида эмас, балки севгиси поймол бўлган, қалби ёлғон ва хиёнатдан парчаланган Аёл ҳақидадир.

Бундай дурдона асарларнинг педагог-режиссёрлар томонидан саҳналаштирилиши натижасида талабалар театр санъати мактаби талабларини ўзлаштириб, тарбияланиб келмоқдалар.

Усмон ҚАЛАНДАРОВ,
Ўзбекистон Давлат санъат ва
маданият институти ўқитувчиси





“Sayqal”ning saodati

Чорак асрдан кўпроқ давр мобайнида Ўзбекистон Давлат консерваторияси “Халқ чолғуларидан ижрочилик” кафедраси таркибидан фаолият кўрсатиб келаётган “Сайқал” гижжакчи талабалар камер оркестрининг исми жисмига монанд дейилса, муболага бўлмайдди. Чунки бу оркестрнинг кундан-кунга махорат даражаси ўсиб бориши, асарларни ўзига хос талқинда заргарона тарзда ижро этиш хусусиятларининг такомиллашиши шундан далолат беради.

Оркестрнинг ташкилотчиси ва раҳбари Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларидан ижрочилик” кафедраси профессори Мурод Тошмухамедовдир. Мурод Тошмухамедов ярим асрлик ижодий фаолияти давомида катта тажриба орттирди. Кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар айна пайтда ўзбек мусиқа санъати равнақи учун ўз муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Мурод Тошмухамедовнинг педагогик борасидаги кўп йиллик хизматлари билан бир қаторда ижрочилик фаолияти ҳам алоҳида эътирофга муносиб. У 1958-76 йилларда Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғулари Давлат академик оркестрида созанда ва шу оркестр таркибидан гижжакчилар квартети ташкилотчиси ҳамда гижжак альт чолғу ижрочиси сифатида меҳнат қилди. Шунингдек, кўп овозли профессионал мусиқа ижрочилиги йўналиши бўйича етук мутахассис, ижодкор бўлиб етишди ва жуда катта тажрибага эга бўлди. Шу боис, гижжакчилар камер оркестри тузиш ғояси билан чиқди. Унинг ташаббуси билан 1985 йилда гижжакчи талабалар камер ор-

кестри ташкил этилди. Камер оркестрнинг таркиби гижжак-I, гижжак-II, гижжак альт, гижжак бас ва гижжак контрабас чолғуларидан иборат. Дастлаб, оркестрда кичик шаклдаги, тузилиши жиҳатидан содда асарлар талқин қилинди. Кейин йирик шаклдаги ва кўп қисмли мураккаб асарлар ўзлаштириб, ижро этилди. Шу билан бирга, яккахон хонанда ва якканавоз созандалар ижросига жўр бўлиш сифати ҳам ўсиб, такомиллашиб борди.

Оркестр ижрочилиги машғулотларини олиб бориш жараёнининг ўз мураккаблиги ва машаққатли томонлари бор. Бу борада оркестрнинг раҳбари Мурод Тошмухамедов ўз услубий мактабига эга. Дарс жараёнида мусиқий асарнинг нота матнини беҳато, тўғри ва аниқ ўқиб ўрганиш талабаларнинг диққат марказида бўлиши керак. Бу жараён, албатта, устоз назорати билан бошқарилади. Чунки мусиқий асарларнинг ижро этилишида зарур ва шарт бўлган қоидалар, яъни куй ўлчови, товуш қаторига тегишли альтерация белгилари, позиция ва бармоқларнинг чолғу дастасидаги жойлашиш ҳолатлари ҳамда белгиланган қоидаларга биноан қулай кўйилиш тартиби, чизгилар, динамик белгилар ва бошқа кўникмалар аниқ бажарилмаса, ўзининг салбий томонларини кўрсатиши мумкин. Аксинча, айтиб ўтилган кўникмалар тўғри бажарилса, мусиқа ижроси раван, текис ва профессионал даражада чиройли бўлади. Шулар билан бир қаторда асарнинг қайси лавҳаси асосий куйдан иборат, қайси лавҳасида кўп куйилик жиҳатлари ёки жўр бўлиш ҳолатлари оркестр раҳбари назорати

остида тайёрлаб, эшитувчига тақдим этилади. Яна муҳим жиҳатлардан бири – мусиқий асарларни камер оркестри таркибидан чолғулаштириш. Бу борада композиторлардан Сайфи Жалил, Мустафо Бафоев, Фарҳод Олимов, Муҳаммаджон Отажонов ҳамда оркестрнинг бадиий раҳбари Мурод Тошмухамедовнинг хизматлари катта. Оркестр репертуаридан жаҳон классик ҳамда ўзбек композиторларининг турли жанр ва шаклдаги асарлари ўрин олган. Булар натижасида оркестрнинг репертуари кенгайиб бормоқда.

Оркестр ўз чиқишлари билан дунёнинг кўп анжуман ва концертларида мунтазам қатнашган. Шунингдек, вилоятларда, маҳаллаларда, меҳрибонлик уйларида, пахтакорлар хузурида концерт дастурларини мунтазам равишда тақдим этиб келади. Оркестр ижросидаги асарлар Ўзбекистон телерадиосининг турли каналлари орқали тез-тез намоиш этиб турилади.

Гижжакчилар камер оркестри ҳозирги кунда ҳам ўз ижодий фаолиятини жадаллик билан олиб бормоқда. Ўзбекистон телерадиосининг Медиа марказида “Сайқал” камер оркестрининг дастури ёзиб олинди ва телеканалларда ушбу дастур эфирга узатилмоқда. Дастурдан ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари, Ўзбекистон ва жаҳон композиторларининг асарлари ўрин олган. Бу жамоа келажакда ҳам мусиқий асарларни янада сайқал бериб ижро этишда юксак даражага эришишига ишонамиз.

Қаҳрамон НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Давлат
консерваторияси доценти

Эстрада санъатига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик сабаб, миллий ижрочилар сафи кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Агар уларни номма-ном келтириб ўтадиган бўлсак, адоғига етолмаймиз. Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлажак эстрада хонандаларига таълим бериб келаётган Мавлуда Ўринбоевани жонкуяр устозлардан, дейиш мумкин.



– Ўзбекистон Давлат Консерваториясида жонкуяр ва ўз касбининг фидойилари бўлган устозлар талабаларга сабоқ берадилар, – дейди Ўзбекистон Давлат консерваторияси эстрада санъати факультети бўлим бошлиғи, профессор Дилором Омонуллаева. – Келажак авлод олдидаги масъулиятни чин дилдан ҳис қилиб, талабаларнинг севимли устозига айланган Мавлуда Ўринбоева ҳақида гап кетганда, беихтиёр у инсондаги кучли педагогик маҳоратни тилга олиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Сабаби, у таълим бераётган шогирдларнинг аксарият қисми йирик халқаро ва

Shogirdlar ardog'ida

юртимиз микёсида ўтказиладиган кўрик-танловлар ва фестивалларнинг ғолиб ва совриндорларидир.

Мавлуда опа санъатга болалигидан меҳр қўйди. Ижод қилиш, куйлашга иштиёқи баланд кизалоқни онаси мусиқа ва санъат мактабига етаклаб борди. Изланишлари сабаб, танловларда тенгдошларидан кўра яхши натижаларни кўрсата олган ёш Мавлуда ана шу соҳанинг этагини маҳкам тутишга қарор қилди. Фарғона билим юртида ўқишни давом эттирган Мавлуда Ўринбоеванинг ноёб меццо-сопрано овози соҳибаси эканлигини тезда илғаган устози Юрий Кузнецовнинг унинг опера йўналишини танлаши қўлга киритган ютуқларида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабаб Мавлуда опа 1981 йилда Чайковский номидаги Москва Давлат консерваторияси талабаси бўлди. Кейинчалик, устоз мумтоз опера санъати сирларини пухта ўзлаштириб, маҳорат зиналаридан аста-секин кўтарила бошлади.

Мавлуда Ўринбоеванинг Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта опера ва балет театрида олиб борган иш жараёни уни халққа танитди. Театр сахнасида Жорж Бизенинг “Кармен” операсида Кармен, Сулаймон Юдаковнинг “Майсаранинг иши” операсида Майсара партияларини куйлади, мазкур образларга ўзига хос тарзда ёндашиб, уларнинг бетакрор кирраларини очиб беришга муваффақ бўлди.

Ҳар доим янгиликлар билан атрофидагиларни ҳайратга солишга одатланган Мавлуда Ўринбоева яқин кунларда ҳам ўзининг яна бир тухфасини тайёрламоқда. Унинг қаламига мансуб санъатни тарғиб қилувчи илмий мақолалар ва рисоалар аллақачон ўз ўқувчиларини топиб улгурган. Мусиқа ўқитиш методикаси бўйича яратилган ўқув-методик қўлланмалари эса бугун таълим даргоҳларида амалиётда қўлланилди. У тўлалигича ўзини оқлади дейишимиз ҳам мумкин. Хуллас, ҳали дилида турфа орзулари мавж ураётган устозга, ҳамиша шогирдларингиз ардоғида юраверинг, дегимиз келди.

Улуғбек МИРЗАҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

DUTORCHILAR ANSAMBLI

Санъат – кўнгил маъвоси. Санъаткор ўз санъати ила кўнгилларни хушнуд қилиш билан бирга сабр-қаноат ва тинимсиз меҳнатни ўзига ҳамдам қилиб олиши зарур. Шундагина ҳақиқий ижодкор сифатида шаклланиб, ўз услубига, тингловчисига эга бўлади. Ғанижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамбли дастлаб Ўзбек давлат филармонияси қошида “Дуторчи қизлар ансамбли” номи билан ташкил этилган. Ушбу ансамбл илк ижодий қадамларини ўзбек халқ миллий куйларини ўрганишдан бошлади. Шунингдек, уларнинг репертуаридан ўзбек, рус, қozoқ, татар, тожик, уйғур ва бошқа халқларнинг кўшиқлари, “Ўзганча”, “Кулинг”, “Тановор”, “Ҳақкалакам ўйнасам ман”, “Ёрғинам” ва бошқа куйлар ўрин олди. Ансамбл бир қанча халқ кўшиқлари ва лапарларини ўрганиб, ўз мавқеига эга бўлган. Устоз Ғанижон Тошматов ансамблни етук профессионал ижрочи қизлардан иборат дастага айлантирди.

Ансамбл асосан миллий кўшиқчилик анъаналарини давом эттирди. Улар ижросида маҳорат ҳамда мусиқий дилкашлик уйғунлашган эди. Айни дамда ансамбл репертуаридан “Чаманнорингдан-ей”, “Ёр-ёраҳон”, “Гулёраҳон”, “Сим-сим оралаб”, “Йўл бўлсин”, “Ёр-ёр” каби юзлаб кўшиқлар, лапар ва ўланлар ўрин олган. Айни ансамбл учун Ғанижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Абдуҳошим Исмоилов каби бастакорлар асарлар ёзишган.

Айни пайтда дуторчилар ансамбли таркиби асосан талаба-ёшлардан иборат. Улар устоз санъаткорлар Замира Сууюнова, Санобар Каримоваларнинг муносиб издошлари бўлиб, халқимизнинг турли байрам ва тадбирларида қатнашиб келмоқдалар.

Малоҳат НАБИЕВА

DEHQON VA YETTI O'G'RI

Qoraqalpoq xalq ertagi


Qadim zamonda bir dehqon yashar ekan. Dehqon halol mehnatining orqasidan yaxshi hayot kechirarkan. Dehqon bir kun qarib, ishga yaramay qolibdi. Ishsiz odam, albatta, ocharchilik, yo'qchilikka uchraydi. Bunga chidamagan dehqon oxir-oqibat boshi oqqan tomonga ravona bo'libdi. Biroz yo'l yurgach, unga yetti nafar o'g'ri uchrabdi. Ular dehqondan qayerga ketayotganini so'rabdi.

– Men ocharchilikka chidamay, boshim oqqan tomonga ketyapman. Qo'limdan keladigan ish bo'lsa, ishlab pul topaman-u, ovqatlanaman, – debdi dehqon.

Shunda yetti o'g'ri dehqonni o'g'irlik qilishga, yurtni talashga undabdi. Lekin dehqon rozi bo'lmabdi. Ular dehqonni qo'rqitishib, o'z saflariga olishibdi.

Shunday qilib, ular sakkizta bo'lib, xalq uyquga ketgandan so'ng bir uyga o'g'irlikka tushibdi. Bularning baxtiga uy egalari to'rdagi xonada uxlar, kiraverishdagi xonalari bo'sh ekan. O'g'rilar istagan narsalarini olib, xohlagan ovqatlarini yebdilar. Shunda dehqon o'choqning yonida yotgan o'sha uy bolasining cholg'u asbobi – balamanga ko'zi tushibdi. Dehqonning hech narsa bilan ishi bo'lmay, xayoli faqat balamanda bo'libdi. Bir payt xonaning o'rtasida tikka turib balamanni qo'lga olib, chalib yuboribdi. Balamanning ovozigga uy egalari uyg'onib, yetti o'g'rini ushlab olibdi. Es-hushidan ajralgan o'g'rilar nima qilishlarini bilmay, qo'lga tushib, tegishli jazolarini olibdi. Odil dehqon qutilib ketibdi. "Aybsiz qutilar, aybdor tutilar" degan xalq maqoli shundan qolgan ekan.

Qoraqalpoqchadan Sohibjamol ESEMURATOVA tarjimasi



O'zbekiston

*O'zbekistonim –
Gullagan bog'im.
Chamanistonim,
Bog'u bo'stonim.*

*O'sib-ulg'aydim
Nurli bag'ringda.
Shodlanib quvna,
O'ynab bog'ingda.*



Ustoz


*Mehribonim, ustozim,
Oq-qorani tanitgan,
Yurar yo'lim yoritgan,
Mening aziz ustozim.*

*Otamdek ulug'imsiz,
Onamdek azizimsiz.
Sizga ming rahmat deyman,
Siz yorug' kunduzimsiz.*

Buvijonim


*Buvijonim, Buvijon,
Mehribonim buvijon.
Baxtimizga sog'yuring,
Dard chekmang siz hech qachon.*

*Ko'zingiz namlanmasin,
Dilingiz g'amlanmasin.
Yuragimning parchasi –
Buvijonim, buvijon.*



*Maftunabonu MAMAJONOVA,
Toshkent shahridagi 126-maktab o'quvchisi*

Talaba bo'lolmagan dahó



Жаҳон опера санъати тараққиётида Джузеппе Вердининг алоҳида ўрни бор. Унинг буюк ва нодир асарлари бугун ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмай, санъат ихлосмандларини лол қолдириб келмоқда. Бу истеъдод эгаси туғилганига 200 йил тўлди.

Жузеппе Фортунато Франческо Верди 1813 йил 10 октябрда Италиянинг овлок бир кишлоғи Ле Ронколеда туғилди. Отаси Карло Верди кишлок ковокхоначиси, онаси Луижа Уттини кир ювувчи эди.

Карлонинг ковокхонасида нафақат кишлок аҳли, балки саёҳатчилар, хат ташувчилар, аравакашлар, дайдилар, актёр ва мусикачилар ҳам кўниб туришар, улар узок мамлакатлардан турли хабарларни олиб келишар эди. Верди ковокхонаси кишлокнинг ўзига хос мусика марказига айланган эди. Ҳар окшом ва якшанба кунлари кишлок аҳли мусикачилар билан бирга базм қилишар ва рақсга тушишарди.

Мусикага муҳаббат Вердининг қалбида ёшлигиданок уйғонган эди. Отаси ўглининг бу иштиёқини пайқаб, унга епинет олиб берди. Черков органчиси қария Байстрокки унга спинет ва орган чалишни ўргата бошлади. Верди ўн ёшга тўлганида илк устози вафот этади. Шундан сўнг отаси ўглини Италиянинг қадимий шаҳарларидан бўлмиш Буссутодаги мусика мактабига жўнатди ва таниш этикдўз Пуньяттининг уйига ижарага жойлаштирди. Ҳар хафта дам олиш кунлари Верди ўзининг кишлоғига жўнар ва у ерда ўтадиган маросимда орган чаларди. Тўпланган пул эса

унинг ижара хаки ва фақирона озукасига етарди. Кейинчалик композитор бу дамларни: “Менинг ёшлигим меҳнатда ўтган”, – деб эслайди.

Ўн беш ёшида Верди мохир органчига айланди. Тез-тез касал бўлиб қоладиган мусика мактаби ўқитувчиси – устоз Фердинандо Провези мусика мактабидаги қолақ ўқувчилар билан ишлашни Вердига юкларди. Айни дамда Буссетто черковида орган чалувчи вазифасида ишловчи Провези баъзан черковдаги байрам маросимларини ўтказишни Вердига ишониб топширарди.

Ёш Верди мусика мактабиди таълим оларкан, унинг ноёб қобилияти Буссетто Филармония жамияти раиси Антонио Бареццининг қулоғига етиб борди. Антонио бой савдогар бўлиб, Вердининг отаси ўзининг ковокхонаси учун маҳсулотларни ундан сотиб оларди. У истеъдодли ўспиринни ўз идорасига ишга олади. Шуни ҳам айтиш керакки, оккўнгил Барецци ажойиб мусикачи эди. У флейта, кларнет, валтора каби чолғуларни жуда яхши чаларди. Кечкурунлари Барецци идораси концерт залига айланарди. Бу ерда Верди барча мажлислар ва машқларда қатнашар, унга берилган барча топшириқларни сидқидилдан бажарар, ноталарни кўчирар, оркестрдаги катта барабанны чалар, маҳаллий оркестр учун мусика саралар эди. Оз фурсатда у кичик пьесалар ҳам басталай бошлади. Верди ўн беш ёшида Россинининг асарига бағишлаб ўзининг илк увертюрасини ёзи.

Бареццининг уйида ҳам доимо мусика янграрди. Ёш Вердининг ноёб мусика қобилиятига яна бир бор гувоҳ бўлган Барецци, унга қизига атаб олинган фортепьянони совға қилади. Бунинг эвазига Верди унинг қизига фортепьяно чалишни ўргата бошлайди. Уларнинг дўстона машқлари аста-секин чуқурлашиб, ўрталарида муҳаббат пайдо бўлади.

Верди 1832 йилнинг июн ойида Миланга йўл олади. Провези ва Барецци унга ҳамроҳлик қилишди. Провезининг мақсади Милан консерваториясида дарс берувчи дўсти Алессандро Роллага учрашиб, Вердининг ўқишга киришига кўмаклашиш эди. Ўша пайтларда консерваторияга ўн тўрт ёшгача бўлганлар қабул қилинар, бу ёшдан ўтганлар фақатгина иктидорига қараб қабул қилинар эди. Қабул синовларида ижодий қобилиятга эмас, балки фортепьяно чалиш иктидорига эътибор беришди. Унинг ижроси техник жиҳатдан суст, ёши ҳам бу пайтга келиб ўн саккизга тўлган эди. Шу тахлит консерватория Верди учун орзулигича қолди.

Верди консерватория ўқитувчиси Винченцо Лавиньяга мурожаат қилди.

Неаполитан консерваториясида таҳсил олган биринчи даражали мусикачи Лавинья Вердидаги иктидорни кўра олди ва у билан шуғулланишга киришди. Лавинья билан бирга Верди “La Scala” театрига бепул кириш имкониятига эга бўлди.

Миланда Верди аста-секин мусикий доираларда машхур бўла бошлади. Ҳатто бир машхур граф унга мусика басталашни таклиф қилади. Тез орада Верди танлов орқали Буссетонинг мусика маэстрози лавозимини эгаллади ва шиддат билан ишга киришди. У концертлар уюштирар, икки оркестрга дирижёрлик қилар эди. Верди орган чалганида бутун Буссетто аҳли уни эшитишга ошиқарди. Унинг шуҳрати Буссетодан ташқарига ҳам ёйила борди.

Жузеппе 1836 йилда Бареццининг қизи Маргаретга уйланди. Бу давр Верди ҳаётидаги энг бахтли давр эди. 1837 йилда тўнгич фарзанди Виржиния дунёга келди. Верди қизини ҳаддан зиёд севар, ҳатто бўш вақтини топиб унга алла ҳам айтар эди. 1838 йилда иккинчи фарзанди – ўгли Ичилио дунёга келди. Бир ярим яшар қизининг тўсатдан вафот этиши унга қаттиқ зарба бўлди. 1839 йил февралда

у оиласи билан Миланга келди ва фақирона бир хонани ижарага олиб яшай бошлади. Верди бутун умидини янги басталаган операсига боғлаган эди. Аммо уринишлари омадсиз чикди. Фақат бахтли тасодифгина бунга йўл очиши мумкин эди. Худди шундай ҳам бўлди. Ўртоқлари уни машхур композитор Феличано Стреппонининг қизи Жузеппина билан таништиришади. Жузеппина Милан консерваториясини аълога тугатиб, театрда концерт ижро этарди. Театрда юксак нуфузга эга бўлган ушбу соҳибжамол киз Вердининг “Оберто” операсини тинглаб, юқори баҳо берди. 1839 йилнинг октябр ойида эса Вердининг ўгли Ичилио қаттиқ касал бўлиб, бир неча кундан сўнг вафот этди. Иккинчи фарзандини тупрокка қўйиб қаттиқ қайғуга ботган бўлишига қарамай, Верди кечгача театрда ишлашга мажбур эди. Хуллас, 1839 йил 17 ноябрда “Оберто” операси намойиш этилди ва катта муваффақият келтирди.

Шундан сўнг у “Бир соатлик қирол” операси устида ишлай бошлади. Аммо тақдирнинг яна бир қаттиқ зарбаси уни қутаётган эди. Ёзнинг бошида хотини Маргарет ўткир энцефалит хасталигига чалинади ва кўп вақт ўтмай вафот этади. “Менинг уйимдан учинчи тобутни чиқаришди. Мен ёлғиз қолдим... Ёлғиз!” дея қайд этади бу ҳолни Верди ўз кундалигида. Ёлғиз қолган бастакор уйига қайтади. Фақатгина яқинлари, айниқса, онаси унга ҳар томонлама далда берарди.

1840 йил сентябрда у ёза бошлаган операсини яқунлади. Опера намойиш этилди, аммо Вердининг кучли тушқунлиги таъсири бўлса керак, опера муваффақият қозонолмади. Бироқ шунга қарамай Верди ижодини тўхтатмади ва бир неча опера басталади.

Ёлғиз қолган Верди бундан кейинги тақдирини Жузеппина билан боғламоқчи эканини айтганда, соҳибжамол киз рози бўлади ва улар турмуш қуришади. Қолаверса, “Оберто”дан бошлаб, бу соҳир овоз соҳибаси Вердининг кўпгина операларини куйлаган ва машхурлигининг ортишига сабаб бўлганди.

1842 йилда Верди Болоньяга саёҳатга чиқиб, буюк композитор Россини билан танийиш ва дўстлашишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг ёш композиторга барча мусика эшиқлари ланг очилди, уни таниқли мусика ноширлари таклиф эта бошладилар. У “Эрнани”, “Икки Фоскари”, “Жованна д’Арко”, “Атилла”, “Ломбардлар”, “Макбет” каби кўплаб даҳо асарларни яратди.

1897 йил 14 ноябрда ярим асрлик дўсти, хотини, ҳаммаслаги Жузеппина Страппоне вафот этди. “Ярим аср биргаликдаги ҳаётдан сўнг 85 ёшимда мен ёлғизман, оиласизман!” деб ёзади Верди кундалигида. Кекса ёшидаги бу жудодик унинг яна ҳам ўз қобигига ўралишига сабаб бўлди. Ёлғизлик, кексалик, ишини давом эттира олмасдан яшаш унга тобора огир ботмоқда эди. Асраб олган қизи Мария Каррара композиторнинг бутун ташвишларини зиммасига олди ва парваришлай бошлади. Верди 1901 йилда Милан шаҳрида вафот этди. Таниқли бастакорнинг васиятига кўра, уни суюкли хотини Жузеппинаниннг ёнига кўмишди.



Шермурод СУБҲОН,
Чарос ҲАМИДОВА



Уммон ортида қитъа борлигини тахмин қилган Абу Райхон Берунийнинг кучли тафаккур эгаси экани дунё олимлари томонидан ҳамisha эътироф этиб келинган. Америка қитъасига инсон қадами қачон етиб борганлиги ҳақида бугунгача ҳеч ким бирон санани далил исботлар билан айтмаган. Қитъада қандайдир инсонсифат мавжудотнинг эволюцион шаклланишидан инсон пайдо бўлган, деган қарашлар ҳам ўз исботини топмаган. Шундай экан, инсон Америка қитъасига қердан келиб қолди? Балки қўшни Осиёдан келгандир! Ундай бўлса, икки қитъани ажратиб турувчи океан ва унинг аёвсиз тўлкинларичи? Демак, инсон Америка қитъасига жонзотлардан фарқли ўларок, ақлан ривожланган, маданий шаклланиб улгурган, ўз тафаккури ва фикрлаши ёрдамида қадам қўйган, деган фикрлар мантиқан тўғрироқ. Американи кашф этишда даъвогарлик қилган европаликлар у ер эгаларини ёввойи обориенлар дея қабул қилишган, холос. Ваҳоланки, ўша халқ ўз тарихига, ривожланган тамаддунига эга бўлганлиги кўплаб тарихчи ва археологларнинг изланишларидан кўриниб турибди.

МУҚАДДАС СЕНОТ

Муқаддас Сенот деб аталмиш қудуқни ўз кўзи билан кўрган ва изланишлар олиб борган Диего де Ланда “Юкатандаги ишлар ҳақида хабарлар” китобида шундай ёзади: Мексикадаги қадимий шаҳар Чичен-Ицада табиий қудуқ – Сенот шаҳарнинг шимолий томонида асосий бинолардан бор-йўғи 300 метрча нарида жойлашган. Ушбу табиий қудуқнинг айлана диаметри 60 метрлар атрофида бўлиб, деворлари тик оҳақтош қатламларидан ташкил топган. Бундаги сув яшил тусга эга. Сувнинг яшил кўринишига қудуқ атрофидаги дарахт ва буталар зичлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Майя аҳолиси ушбу қудуқни муқаддас ҳисоблаб, унда ёмғир худоси яшайди, деган тасаввурда бўлишган. Қурғокчилик пайтида қудуқ тубига ҳар хил зеб-зийнатлар, ҳайвонларни қурбонлик сифатида ташлашган. Шуниси қизиқки, қурбонлик қилаётганлар қудуқ тубида абадий ҳаёт бор, деган фикрга қаттиқ ишонишган. Бундан ташқари, улар қўлга киритган барча яхши нарсаларнинг катта қисмини шу муқаддас қудуқ билан баҳам кўришни ўзларига одат қилиб олишган. XVI аср бошларида қитъага испанлар келиши арафасида муқаддас қудуққа сўнгги катта қурбонлик қилинган, деган фикрлар бор. Маҳаллий халқ худудни тарқ этгач, қудуқ ташландик ҳолга келган.




Диего де Ланданинг тарихий ҳикояларига ишонган АҚШ консули Эдвард Герберт Томпсон 1885 йили Юкатанга келади ва қудуқ тубида-изланиш олиб бориш учун ғаввос кийимлари, ертешар ускуна ва мосламаларни сотиб олади. Томпсон изланишлари жараёнида Майя қабиласи қурбонлик пайтида ишлатадиган хушбўй ҳид таратувчи қоришма парчаларини топади. Бу археологлар учун қимматли топилма эди. Шундай қилиб, Томпсон ва унинг ёрдамчиси сув ости мосламалари ёрдамида қудуқ тубига шўнгишади. Археологик гуруҳ бу ердан тилла тақинчоқлар, қурол-аслаҳалар, найза ўқлари, нефритдан ясалган идишлар ва кўплаб одам суяқларини топишади. Буларнинг ҳаммаси эътиборли ва қимматли ашёлар эди. Ушбу топилмалар киймати бўйича Тутанхамон хазинасидан кейин бўлса-да, энг йирик топилмалар саналади. Вақт ўтиб 1961-1967 йиллари бу ерда Мексика олимлари изланиш олиб боришди. Улар Томпсонга қараганда анча замонавий ускуналар, ғаввос

кийими ҳатто сувни кимёвий тозалаш услубларини қўллаш ёрдамида ёғочдан ясалган иккита тахт, юзлаб сопол кўза ва бошқа идишлар, тилла тақинчоқлар, биллур ва нефрит идишлар ҳамда инсон суяқларини топишади.

ЖОН ЭРИК ТОМПСОН

Марказий Америка ва Майя қабиласи тарихини ёритишга ўз хиссасини қўшган мутахассислардан бири – англиялик археолог ва эпитафист, Сэр Жон Эрик Томпсон ҳам бу борада бир қанча ишларни амалга оширган. У Чичен-Ицада эпитафия йўналишида Майя ёзувлари, “Жангчилар эҳроми” устида изланишлар олиб борган. Қадим Майялар астрономияси ва тақвимларини тушунишда, шу жумладан, иероглиф ёзувлар тизимини ўқишда Жон Эрик Томпсоннинг хиссаси катта.

Муслима АБДУМАЛИКОВА тайёрлади



Beruniyning aql mash'ali



SOVUQ!

Қиш фаслида совуқ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Унга етарли даражада аҳамият бермайдиганлар хато қилишади. Қиш совуғи тарихда бутун бошли армияларни доғда қолдириб, уларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган. Совуқ қадим ўтмишда ҳатто сайёрамизнинг ҳам қиёфасини ўзгартириб юборган.

Қиш фасли одамларга шундай шафқатсиз муносабатда бўлиши кўпчиликка маълум бўлгани ҳолда, совуққа унчалар парво қилинмайди...

Совуқ ва душман бағрида

Иккинчи жаҳон уруши даврида немис босқинчиларига қаршилиқ ҳаракатида иштирок этган норвегиялик Ян Балсруд қуршовга тушиб қолади. Жасур бу йигит қуршовдан чиқиб кетибгина қолмасдан, бир пой этикда, оёқ бармоғидаги жароҳати билан, юпун кийимда, егуликсиз тоғ ошиб ўтади. Тоғ ошиш давомида қор кўчкиси тагида қолади. Кўп аъзоларини совуқ олдирган ҳолда бир қишлоққа етиб олади ва бу қишлоқ аҳли уни кутқариб қолади.

Айиқ-одам

Швециянинг қалин қор билан қопланган ўмонида машинасининг орқа ўриндиғида қопкўрпага бурканиб ётган 45 ёшли бир одамни топиб олишади. Аниқланишича, унинг танаси совуққа мослашган уйқудаги айиқники каби ҳолатга тушган ва шу алфозда икки ой ётган.

Қаҳратоннинг қахрамонлари

Американи ўзлаштиришга келаётган бир гуруҳ одамлар 1846 йилда Калифорнидан поездда йўлга чиқиб, қатор кўнгилсизликларни бошларидан кечириб, охир-оқибат, Сьерра Невада тоғлари орасида кишининг қоқ ўртасида қолиб кетишади. Аёзли қиш, совуқ ва очликни кўтара олмасдан кўпчилик вафот этади. Калифорнияга 78 кишидан 48 нафари етиб келади ва улар ўзларидан кейин тарихда энг матонатли одамлар сифатида ном қолдиришади.

Муз ичида уч кун

Анна Аллен билан Фрэнк Эйтман Алпиан Мэдоуз деб аталувчи курорт шаҳарча яқинидаги қияликда қор кўчкиси домига тушишади. Бир неча соатдан сўнг Анна қоронғи ва совуқ жойда ўзига келади. У ўзининг қаердалигини тўлиқ англаб етгунига қадар бир кун вақт кетади. Бу вақт давомида у гоҳ ўзига келиб, гоҳ хушидан кетиб ётади. Орадан икки кун ўтиб, у кутқарувчиларнинг овозини эшитади ва ёрдамга чақиради. Уни муз бўлақлари орасидан чиқариб олгунларича яна 24 соат вақт ўтади. Бундай қийинчиликларга қарамасдан, у тирик қолади.

Чақалокли оила қор асири

1992 йил декабр ойида Жим Стоппа, унинг хотини

Женнифер ва уларнинг 5 ойлик фарзанди Клейтон машиналарида кетаётиб Сьерра Невада тоғларида қор кўчкисига дуч келишади. Қор бир четга суриб ташлаган машинада 4 кун давомида ёрдам кутишади. Ёрдам етиб келмаслигига иқрор бўлишгач, улар бел баробар қор кечиб, йўлга тушишади. 26 километрлик масофани босиб ўтишгач, Женнифер бутунлай кучдан қолиб юра олмай қолди. Таслим бўлишни хоҳламаган Жим кичикроқ ғор топиб, Женнифер ва Клейтонни шу жойда қолдириб, йўлда давом этди. У қор кечиб яна икки кун юргандан сўнггина одамлар яшайдиган жойга етиб боради.

Жим кутқарувчилар билан ғорга қайтиб келиб, очлик ва совуқдан силласи қуриган хотини ва фарзандини кутқариб қолади.

Ўлим чўққисини забт этган одам


Бек Уэзерс энг баланд чўққи – Эверестда 18 соат давомида киш аёзида қолиб кетади. У эмаклаб ўз лагерига етиб келгунига қадар анча-мунча жойини совуқ олдириб кўяди. Унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бироқ шифокорлар Уэзерснинг хар иккала қўлини кесиб ташлашга мажбур бўлдилар.

Аёзли ўлим чўққисини забт этган одамнинг тирик қолгани бир мўъжиза. Бизнинг юртимизда киш қишлигини қилса-да, аёзда қолиш вазиятлари деярли учрамайди. Мабодо тоғ бағрида, йўлда машина бузилиб, совуқда қолсангиз, совуқ урмаслиги чораларини кўринг. Мўъжиза содир бўлади, деб қўл ковуштириб ўтирманг. Мушкул вазиятга тушиб қолсангиз, бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини кидиринг.

Совуқдан сақланиш йўллари

Совуқ уришидан сақланиш учун, биринчи навбатда, оёқни иссиқ сақлашга ҳаракат қилинг. Чунки совуқ аввал оёққа таъсир қилади. Оёқларни совуқ урмаган тақдирда ҳам, унинг совуқ қотиши оддий шамоллашдан тортиб, зотилжамгача бўлган касалликларга сабаб бўлади.

Бундай вазиятларда оёқни иссиқ сақлаш учун қўшимча қўлбола воситалардан фойдаланиш лозим. Бундай воситалар шарф, свитернинг бўйин қисми, ортиқча кийимларнинг енглари, ич кийим, мато бўлаги ва хоказолар бўлиши мумкин. Буларни оёққа ўраб олган маъқул. Агар улар устидан пойабзал сиғмаса, сиққунича



ўраб, қолганини болдирга ўраш керак.

Оёқларни совуқ ва намликдан сақлашнинг яна бир усули – полиэтилен қопчалар билан ўраб олишдир. Бунинг учун пайпоқ устидан полиэтилен қопча ўраб унинг устидан яна битта пайпоқ кийиш кифоя. Бунда оёқ терлаб ички пайпоқ нам бўлиб қолиши мумкин, лекин қор ва намликлар кириши ҳисобига бутунлай сувга бўкиб қолишининг олдини олади. Полиэтилен қопча топилмаса, ўрнига қоғозлардан фойдаланса ҳам бўлади.

Оёқни совуқдан асрашнинг яна бир усули оёқ кийим устидан қўшимча кийим кийиб олиш ҳисобланади. Бунинг учун қор ва намликдан ҳимоялай оладиган бирор пишиқроқ мато, палатка, рюкзак, кийим бўлақларидан қўшимча пийма ясаб кийиш ёки уларни оёққа ўраб олиш керак. Дарахт пўстини оёқ кийимининг тагидан боғлаб қўйиш ҳам совуқдан анча ҳимоялайди.

Оёқдан кейин юзни совуқдан ҳимоялаш муҳим. Бунинг учун кўз ўрни тешилган мато, газета, қартон билан юз ва бўйинни ёпиб олиш керак. Агар бундай ҳимоя воситаси топилмаса, юзнинг оқара бошлаган жойини юмшоқ бирор нарса билан, бунинг иложи бўлмаса, қўл билан яхшилаб ишқалаш керак. Асло қор билан ишқалаш мумкин эмас.

Қўлларни ҳам совуқдан ҳимоялаш ўта муҳим. Бунинг учун нима топилса, шундан қўлқоп ясаб олиш зарур. Ёдингизда тутинг! Бутун тананинг совуқдан зарар топиши бирор бир аъзони совуқ уришига нисбатан анча хавфли.

Совуқ уришида биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалари

Агар совуқда қолган одамга ёрдам беришга тўғри келиб қолса, қуйидагиларни ёдда тутинг:

1. Жабрланувчини иссиқ жойга ўтказинг;
2. Иссиқ кўрпа билан ўраб, баданини аста-секин уқалашни бошланг. Бунда ҳаракатларингиз четдан

марказга – юрак томонга йўналсин;

3. Имкони бўлса, жабрланувчини илиқ сувли (+17оС) ваннага солиб, сувни аста-секин +37, +38оС.гача олиб боринг. Бу вақт давомида баданни четдан марказга қаратиб уқалашни давом эттиринг;


4. Жабрланувчига иссиқ чой ёки спиртли аралашма ичириг;

5. Совуқ урган жойларни – тўқималарни спирт билан артиб, қалин пахта қатлами қўйиб боғланг;

Эслатма: Агарда юқорида кўрсатилган тадбирларнинг имкони бўлмаса, жабрланувчи ва ўзингизнинг қалин кийимларингизни ечиб жабрланувчини тиззангизга ўтказиб, маҳкам кучоқлаб олинг. Қалин кийимларингиз билан уни ўранг ва жабрланувчи танасини четдан марказга қараб уқалашга киришинг.

Асосийси, совуқдан қўркманг, аксинча, унинг зарарига нисбатан тайёр бўлиб туринг. Бироқ бу совуққа беписандлик, дегани эмас. Бунинг устига, совуқ кунларнинг ҳам охири бор.

Муҳиддин ТИНИБЕКОВ тайёрлади



"Xavfli" go'zallik

Аёл гўзаллик сўзига эгиз яратилган. Қизалоқларнинг қулоғига зирак таққан кунидан бошлаб ўзини кўзгуга солиши, аслида кўркамлика интилишидан. Шу боис, қизалоқлар оғасига тақлидан лабини бўяб кўради, баланд пошнали туфлисини кийиб, тақиллатиб юради. Қизалоқлардаги бу интилиш ўзлари билан каттариб боради ва интилиш эҳтиёжга айланади. Аслида, пардозни неча ёшдан бошлаган маъқул? Пардоз воситаларидан ҳамма вақт ҳам тўғри фойдаланамизми? Шу каби саволларга сартарош-визажист Муқаддас Турсунова ва врач-косметолог Сурайё Мирсодиқовадан жавоб олдик.

– Муқаддас опа, қизалоқлар неча ёшдан пардоз ашёларидан фойдаланишлари маъқул?

– Ёшликнинг ўзи — гўзаллик. Ёшликка ҳамма нарса ярашади. Уни янаям безамоқчи бўлсак, акс натижага эришимиз мумкин. Масалан, 16-17 ёшлардаги қизларни пардозсиз кўрсангиз, қизалоқдек кўринади. Пардоз эса уларни ёшдан кўра каттароқ кўрсатади. Аслида қизлар 18-20 ёшдан бўянганлари маъқул. Шунда ҳам, тўй, байрам сингари сабаблар билан. Кундалиқда косметологик воситалардан камроқ фойдаланиш лозим.

– Вақтидан олдин бўяниш, косметологик воситалардан фойдаланиш қандай зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин ёки бунда қандай хавфлар мавжуд?

– Истаймизми, йўқми, пардоз воситаларининг таркибида кимёвий моддалар ҳам бор. Ҳар қандай кимёнинг табиий воситадан фарқли зарари мавжуд. Вақтидан олдин бўяниш эрта ажин тушишига ва юз териси қариб кетишига олиб келади.

– Бўяна бошлаганда нималарга эътибор қаратиш лозим?

– Авваламбор, юз тузилишига аҳамият бериш керак. Тонал крем, упа, гоза (румяна), лаббўёқ юз териси рангига мос тушиши лозим. Борди-ю, кўз кичкина бўлса, катта кўрсатиб бўяш, лаб ингичка бўлса, маъқул кўринишга келтириш ва ҳоказолар.

– Косметологик воситаларни танлашда қандай жиҳатларга аҳамият бериш керак?

– Косметологик воситаларни танлашда ёшига, тери хусусиятларига, борадиган жойига, кийимига мос келишига интилиш керак.

– Сифатсиз косметологик воситаларнинг терида салбий таъсири нималардан иборат?

– Сифатсиз косметологик воситаларнинг юз терисига салбий таъсирлари – аллергия, юз терисига доғ тушиши ва ҳар хил яралар тошишидан иборат. Косметологик маҳсулотларни танлаганда, қадоғига аҳамият беринг. Муддати ўтган маҳсулотлар тери касалликларига олиб келиши мумкин. Крем, упа эскирган бўлса, хуснбузар тошиши ва юз чарчаши мумкин. Лаббўёқнинг муддати ўтган бўлса, лаб терисидаги қатлам кўчиб туриши, рангсиз ҳолатга келиши мумкин. Муддати ўтган қалам, тушлар қош, киприкни тўкиши, қичиштириши, аллергия бериши ёки кейинчалик кўз тез-тез ёшланишига сабаб бўлади.

– Қош териш, бошқа косметологик амалиётларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари...

– Қош теришнинг салбий томони шундаки, қошнинг тузилиши ўзгаради. Қош теришнинг ижобий томони – юзни очади, кўзни, ковоқни чиройли кўрсатади. Ҳозир кўпчилик қошини ўзи теради ёки таниш-билишларига тердиради. Эҳтиётсизлик оқибатида, бир асбобдан бир неча киши фойдаланиши туфайли нохуш ҳоллар келиб чиқиши мумкин. Қошларни мутахассисга тердирганлари маъқул. Агар йўниб юборилса, ярашмай қолиши мумкин. Косметологик амалиётлар хусусида ҳам шу фикрдаман. Олти ойлик, бир йиллик кафолат билан татуаж, пардоз килдириш кимёвий воситаларнинг ёки устарааларнинг зарари туфайли акс натижа бериб қолиши, бирор кўнгилсизликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар кун борадиган жойга қараб, мақсадга мувофиқ пардоз қилган маъқулроқ.

– Булардан ташқари, соч билан боғлиқ кимёвий

амалиётлар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

– Аёл киши вақти-вақти билан ўзгариб туриши мақсадга мувофиқдир. Масалан, сочни кестириб, буяб туриш ҳар хил турмакларни истаиди. Чунки бир хиллик тез эриктиради. Бўяшнинг яхши томони шундаки, бунда соч жилланиб, толаси қалинлашади. Баъзан таркибда аммиак моддаси кўп миқдорда бўлган бўёқлар бош терисига салбий таъсир кўрсатади. Яъни соч тўкилиши рангсиз, синувчан ҳолатга келиши мумкин. Шунинг учун миқдорда аммиак кам бўлган ранглар ёки табиий воситаларга бўяшни тавсия қиламан. Соч толаларини куйдириш, кўп фен ва бўёқлардан фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Вақти-вақти билан бош терисини дам олдириб туриш. Соч тўкилишига қарши ва сочни ўстирадиган ниқоблардан фойдаланиб турсангиз, сочингиз сержило ва жозибадор бўлади. Асли ранги таниқ сочларни бўёққа ўргатмаган маъқул.

– Сурайё Анваровна, мутахассис сифатида неча ёшдан бўянишни тавсия қиласиз?

– Мен пардозга қаршиман. Чунки бўяна бошлагани билан юз терисида муаммолар туғила бошлайди. Аёл киши табиийлиги билан гўзал. Лекин юз терисига бўяна бериб туриш керак. Бўянганда ўсма, хино сингари табиий воситалардан фойдаланиш лозим.

– Табиий воситалар исталганидек самара бермаслиги мумкин. Шу сабаб, барибир, дўконлардаги пардоз воситаларига тез-тез мурожаат қилиб туришимиз лозим.


– Тўғри, бунда ёш аҳамиятли. Шунингдек, фақат эрта пардоз воситасини қалбақисидан ажрата билиш керак. Ёш қизларга пардозни тавсия қилмаганимизнинг сабаби ҳам шунда. Тушуниб-тушунмай, кўча-кўйдан сотиб олишган пардоз буюми қизларнинг терисига ёқмаслиги мумкин. Шу ўринда, бир пардоз воситасини бир киши ишлаши муҳимлигини қатъий таъкидлаган бўлардим. Қизлар кўпинча ўртоқларининг лаббўёғи, қаламини алмашиб ишлатишади. Бу жуда нотўғри ҳол. Бунинг оқибатлари алоҳида мавзу.

– Айни мавсумда нималарга аҳамият берганимиз маъқул?

– Қишнинг аёзли, совуқ кунлари, шамоли ва оқибати юз терисини қуришиб, ажин тушишига олиб келади. Қиш нуридан, шамолдан, оппоқ қор жилвасидан куз қамашини юз мимикасининг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунинг учун А, Е ва бошқа дармондорили маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш керак. Ҳафтада ҳеч бўлмаса, бир марта юз терисига А, Е дармондорили ниқоблар суриб туриш лозим. Ҳар кун таркибида асосан Е дармондорили кремлардан фойдалансак, эрта ажин тушишидан илҳом бўламиз. Ёғли юз териси учун "совуққа қарши" кремлар бор. Унинг таркибида озгина бўлса-да, қуритувчи моддалар бўлиб, ёғли юз терисига тез сингиб, яхши самара беради.

Пардоз воситалари кундалиқ эҳтиётсизлик билан ишлатилган. Шунинг учун ҳар доим мутахассислар назоратида амал қилсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Пардознинг хавфли ўриш, вақти ва сабаби бор. Ҳар кунлик пардоз таълиқлар кунларнинг пардозидан фарқ қилади. Айниқса, қизалоқлар пардоз масаларида эҳтиёткор бўлиб, иложини ҳисобга олиб табиий ҳуринишларини сақлаганлари маъқул. Эрта пардоз бахти теган гўзаллик пардознинг ўзи билан юзни боқиб қолди. Табиий кўрк эса кўнгилларнида хушлайди.

Саҳифани Нигина ГУЛОМОВА тасвирлади



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

“СОҒЛОМ БОЛА” АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

1.Эпчиллик билан ҳаракат қилувчи. 2.“Ўригидан данаги ширин”, деб эъзозланадиган зурриёт. 3.Гимнастика спорти мосламаси. 4.Билимлар маскани. 5.Савод чиқаришда илк дарслик. 6.Оиладаги кичик киз. 7.Ракетка билан ўйналадиган спорт. 8.“Тангалик болалар” фильми қаҳрамони. 9.Ўрток, дўст қизлар. 10.Зеб-зийнат буюми тури. 11.Ҳаракат, фаолиятда жасоратли интилиш. 12.Устоздан билим, хунар ўрганувчи. 13.Ойбекнинг улуғ мутафаккир шоир хақидаги киссаси номидан “Бола...” 14.Енгил атлетика спорти тури. 15.Хушхабар учун бериладиган совға. 16.Хурсандлик. 17.Ўзбек халқ эртаги қаҳрамони. 18.Дзюдо спорти гилами. 19.Эгизак қизлардан бирига қўйиладиган исм. 20.Хайрат. 21.“Алпомиш” достони қаҳрамони. 22.Ёш авлодга ахлоқ-одоб ўргатиб вояга етказиш. 23.Болалар журнали. 24.Тўпли спорт ўйини. 25.Спорт анжони.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1. Соғлиқни мустаҳкамлаш асоси – 1, 18, 2, 9, 10.
 2. Республикада фаолият олиб бораётган болалар ташкилоти – 20, 6, 11, 6, 4, 6, 20.
 3. Бирор нарсани билиб, тушуниб олиш хусусияти – 12, 5, 12, 15.
 4. Қизалоқларнинг баҳорги сочпопуғи – 7, 6, 9, 17, 6, 20.
 5. Балоғатга етмаган бола – 8, 2, 9, 6, 1, 3, 13, 6.
 6. Ўқувчи болаларнинг таътил фасли – 19, 16.
 7. Мевазор маскан – 7, 2, 14.
 Энди шакл атрофи ва марказидаги рақамларни калит сўзлари жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириш орқали муаммонимани ҳал этинг. Улардан ибратли битик ўқийсиз.

2013 ЙИЛ 6-СОНДАГИ
КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 4.Равоқ. 5.Қисса. 10.Гувоҳнома.
12.Байроқ. 13.Аммиак. 14.Овоза. 16.Касса.
20.Вилоят. 22.Кредит. 23.Амплитуда. 25.Ливан.
26.Тонна.


Бўйига: 1.Чорвоқ. 2.Минора. 7.Архар.
8.Аҳоли. 9.“Насаф”. 10.Гаровхона.
11.Атмосфера. 17.Китоб. 18.Нодир. 19.Лимит.
21.Тўплам. 22.Кнуров.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига
соат миля йўналишида:** 3.Парварда.
6.Чилангар. 15.Искандар. 24.Балансир.
27.Телеграф.

МУАММОНОМА

Калит сўзлар: 1.Хоразм. 2.Олтой. 3.Яхоб.
4.Душанба.

Ҳикмат: Яхши одамлар ишидан ибрат ол,
Ибратомуз хизмат айлаб, иззат ол.
Анбар Отин



Сўзсиз сурат



Врач болакайга савол берди:

– Мушукнинг нечта кулоғи бор?

– Иккита.

– Нечта оёғи бор?

– Тўртта.

– Нечта думи бор?

– Ойи, мени бошқа дўхтирга олиб боринг...

– Нега?

– Ҳатто мушукни яхши билмайдиган дўхтир мени қандай даволайди?

Икки бола ҳовлида коптоқ ўйнашяпти. Кўшни девор оша бақирди:

– Ким бунча шовқин-сурон қилаётган?!

– Бувам дадамга уй вазифамни бажаришда ёрдамлашяпти.

Янги йил тонгида уйғониб кетган болакай онасидан сўради:

– Ойи! Уйғонганимда қорбобо стол футболни ташлаб кетади дегандингиз...

– Секинроқ чақирмайсанми, гол ўтказиб юбордим.

– Ойи, нега йиртқич ҳайвонлар хом гўшт ейишади?

– Чунки улар пишириб ейишни билишмайди.

Воҳиджон йиллик баҳолари жадвалини уйига олиб келди ва:

– Дада, энг муҳими – ҳаммамиз соғ-саломатмиз, – деди.

Тарих ўқитувчиси:

– Йил давомида қайси тарихий даврдан кўпроқ таъсирландингиз? – деб сўради.

– Қадимги тарих...

– Уйғониш даври...

– Дадам кундалигимни кўриб қолган давр...

– Туғилган кунингда даданг нима совга қилди?

– Тошотар.

– Алдаяпсан.

– Рост. Билмайсанда, дадам ойна кўядиган уста...

Саҳифани Гулбаҳор ОТАЖОНОВА тайёрлади

M

o'jiza sodir bo'ladi...

кўчиб келган кишилар дастлаб қамишлардан тўқилган бўйра, чодир ва ўтовларда яшашган, кейинчалик, вақт ўтиши билан турли иморатлар бунёд этишган.

Милоддан аввалги икки минг йиллик ўрталарида Бухоро воҳасида – Зарафшон дарёси этакларида зироатчилар ва чорвадорларнинг илк манзилгоҳлари пайдо бўлган. Уларнинг турар жойлари улкан ертўла ва қамишли чайлалардан иборат эди. Ана шу манзилгоҳларда турли соҳалар (қулоччилик, тўқимачилик, мисгарлик, сангтарошлик, бўйра ва сават тўқиш) мавжуд бўлганлигига қарамай, улар ҳали ривожланган хунармандчилик даражасига етмаган эди.

Ҳозирги вақтда ҳам Бухорода Бўйрабофон (бўйра тўқувчилар) маҳалласи мавжуд. Бу маҳаллада ҳали ҳам қамишлардан уй-рўзгор, масжид ва иморат қурилишларида ишлатиладиган бўйралар тўқилади. Бўйралар нам ва зах сувларни ўзига ўтказмайди ҳамда иморатларни зах сабаб тез бузилиб кетишдан сақлайди.

Бухорода қадимдан саватсозлик билан ҳам шуғулланишган. Сават тўқишда тол новдалари, қамиш, хивич, сули, арпа, буғдой ва бошқа бошоқли ўсимликлар пояларига ишлов бериб фойдаланишган. Ҳозирги вақтда ҳам Бухоро вилоятининг айрим туманларида сават тўқиш хунари сақланиб қолган.

Бўйрабофлик жараёни асосий хомашёлар буғдой, арпа, сули ёки бошқа бошоқли ўсимликлар пояларига ишлов беришдан бошланади. Ишнинг сифати хомашё ҳамда санъаткор устанинг фаолиятига боғлиқ. Чунки хомашё санъаткор устанинг талабига жавоб берса, унинг хаёлот ва олам гўзаллигининг тасвирий тимсолини яратиш имконини кенгайтиради. Сомон пояларига ишлов бериш, ерга уруғ қадашдан бошланади. У ҳосилга кириб, тайёр бўла бошлаганда сомонга ранг бериш сув орқали амалга оширилади. Суғорилганда кам сув берилса ва қуёш нурида тобланса, оқиш силлиқ ранг, буғдойга керагидан ортиқ сув берилса қорамтир, сувга бўктириб ўстирилса, тўқ қора ранглар ҳосил бўлади. Ушбу санъат асарларини яратиш учун қоғоз, қаламдан ташқари турли қайчилар, дазмол, елим ва махсус ўткир устара, пичоқлар керак.

Сомон санъати услубидан фойдаланиб, мусаввирликнинг барча турларига мансуб ижодий иш ва асарлар яратиш мумкин. Масалан, миниатюра, манзарали суратлар, карикатура, хаттотлик, абстракция ва бошқа йўналишларда ижод қилиш имкони мавжуд.

Бу ишларнинг барчаси: хомашёсини тайёрлашдан тортиб, тайёр санъат асари даражасига етгунча қўлда бажарилади. Ҳозирда ушбу санъат турини Бухородаги Токи Заргарон мажмуасида ўз оиласи ва шогирдлари билан бирга фаолият кўрсатаётган малакали мусаввир, хунарманд уста Акмалжон Муҳиддинов ишларида кўриш мумкин.

Акмалжон Муҳиддинов XV-XVI асрларда ишланган сават тўқиш, бўйра тўқиш усулларини сайқаллаб, похолдан миллий хунармандчилик ва ўзбек миниатюра санъатининг юксак намуналарини яратмоқда.

Унинг юксак дид, ноёб истеъдод уйғунлигида яратилган санъат намуналари кўпчиликка манзур. Бу буюмлар, айниқса, хорижлик сайёҳларнинг доимий эътиборида. Оила аъзоларига ўз хунарини ўргатган ижодкор айни вақтда кўплаб ёшларни “устоз-шогирд” анъанаси асосида похолга жозиба бағишлаш санъати сир-асрорларидан хабардор қилаётир. Акмалжон Муҳиддинов кўплаб халқаро кўргазмалар иштирокчиси. Хунарни санъатга айлантириб, ўз санъатига ҳайрат уйғотган одамни мўъжизакор деб аташади. Мўъжиза эса ўз устасининг моҳир кўлларида яралади.

Хусан Жўраев







Бухораликка уста Акмалжон Муҳиддин
иждодан намуналар



Qish mo'jizalari



ISSN 2091-5330

OBUNA DAVOM ETMOQDA

Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.